

Ўзбекистон шаҳарлари тарихи

История городов Узбекистана

Д.А. Алимова, Ю.Ф. Буряков, Ш.М. Раҳматуллаев

САМАРҚАНД ТАРИХИ
(қадимги даврлардан бугунги кунгача)

ИСТОРИЯ САМАРКАНДА
(с древнейших времен до наших дней)

«ART FLEX»

Тошкент – 2009

Масъул муҳаррирлар:
ЎЗР ФА академиги Э. Ртвеладзе
Филология фанлари номзоди А.М. Отаҳўжаев

Тақризчилар:
тарих фанлари доктори Н.А. Абдурахимова,
тарих фанлари номзоди, доцент А. М. Маликов

Алимова, Дилором Агзамовна
А50 Самарқанд тарихи (кадимги даврлардан бугунги кунгача)/
Д.А. Алимова, Ю.Ф. Буряков, Ш.М. Раҳматуллаев; Т.: «ART FLEX»,
2009. - 148 б. – (Ўзбекистон шаҳарлари тарихи).
Титул varaғи ва матн параллел ўзбек ва рус тилларида.

Китоб муаллифлари – тарих фанлари доктори, профессор Д.А. Алимова, академик Ю.Ф. Буряков, тарих фанлари номзоди Ш.М. Раҳматуллаевлар ўқувчиларни Марказий Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш Самарқанд шаҳрининг тарихи билан таништиради. Китоб тарихий манбалар, сўнгги йиллардаги археологик кашфиётлар, шунингдек, Республикамиз мустақиллик йилларида эришган ютуқларини ҳар тарафлама ўрганиш асосида ёзилган.

Ушбу нашр Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

Авторы книги – доктор исторических наук, профессор Д.А. Алимова, академик Ю.Ф. Буряков, кандидат исторических наук Ш.М. Раҳматуллаев, знакомят читателя с историей одного из самых древних городов Центральной Азии – Самарқанда. Книга создана на основе всестороннего анализа исторических источников, материалов археологических открытий последних лет, а также достижений республики за годы независимости.

Данное издание рассчитано на широкий круг читателей, интересующихся историей Узбекистана.

ISBN 978-9943-301-47-4

«ART FLEX» нашриёти, 2009

*Самарқанд шаҳарнинг 2750 йиллик юбилейига ҳамда
буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек таваллудининг
615 йиллигига бағишланади*

САМАРҚАНД ТАРИХИ (қадимги даврлардан бугунги кунгача)

Шарқ халқлари давлатчилиги ва тамаддуни тарихида, улар тараққиётининг барча босқичларида жамият иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг марказлари ҳисобланмиш шаҳарлар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шаҳарларда давлат ҳарбий-маъмурий ва маданий ҳаётнинг барча салоҳияти жамланган эди. Иқтисодий ва маданий ривожланишда шаҳарларнинг етакчилик мавқеини эгаллагани, жумладан, Шарқнинг йирик шаҳарлашган минтақалари ҳисобланган Ўрта Осиёда ҳам кузатилади. Ўрта Осиё шаҳарлари замонасининг турли даврларида ишлаб чиқаришни, савдо-сотикни юргизувчи, фанни ривожлантирувчи йирик марказлар сифатида таърифланган. Хусусан, Самарқанд нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Шарқнинг йирик шаҳарлари сирасига кириб, у Ўрта Осиёнинг энг катта дарёлари Ўқуз ва Яксарт – Амударё ва Сирдарё оралигидаги улкан маданий масканнинг марказида – “зар сочувчи дарё” деб аталмиш Зарафшон бўйларида ва Евросиёнинг энг муҳим савдо тармоқлари туташган йўлда қад кўтарди. Бу ҳудуд Ўрта Осиёдан оқиб ўтадиган икки азим дарёнинг оралигида жойлашгани ва республикамиз – Ўзбекистон халқларининг юксалиш босқичларини ёритишдаги аҳамияти билан катта кизиқиш туғдиради.

Ўша замон тарихчилари, географлари, сайёхлари, савдогарлари ва дин тарғиботчилари – миссионерлари Самарқандга “Ер юзининг сайқали”, “Шарқ Рими”, “Шарқнинг жаннати”, “Сугднинг машҳур бозори”, “Мусулмон оламининг қимматбаҳо гавҳари”, “Ер юзининг порлоқ нуқтаси” сингари таъсирли, жозибали ва лўнда ифодаланган номлар, турли даврларда шаҳарга таъриф буюрган замондошлари томонидан таъриф этилган. Шаҳарнинг таҳсинга лойиқ қиёфаси ҳозирга қадар сақланиб қолган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов Самарқандни шундай деб таъриф-

лаганди: “Биз “Самарқанд” деганда қадим-қадимда фан ва маориф, маданият ва маънавият бешиги бўлган ёрқин масканни кўз олдимизга келтирамиз”.

Бугунги кун шоири ифодалагандек, ана шу “тарих маржонидаги дур” кўп асрлик ўтмишни бошидан кечириб, ўзининг бетакрорлиги билан Ўзбекистон деб аталмиш юртнинг қанчалар ажиб, саховатли ва улуғвор эканлигини дунёга тараннум этмоқда.

Шаҳар ҳаётининг бутун 2750 йили – бу замин тарихининг энг порлоқ саҳифаларидан биридир. Шаҳар тарихи билан танишиш ана шу заминда дастлабки манзилгоҳларига асос солинган вақтдан бошланган. Бу эса этник, ижтимоий-сиёсий, маданий ва миграция жараёнларининг ўзига хослигини теран тасаввур этиш ва тушунишга имкон беради.

Шу сабабли муаллифлар жаҳондаги энг қадимий шаҳарлардан бири Самарқанднинг пайдо бўлиш даври ва ривожланиш босқичлари тўғрисида кичик рисола мисолида ва илмий-оммабоп шаклда ҳикоя қилишга ҳаракат қилдилар.

“Ер юзининг сайқали” нимадан бошланган?

Бу “Ер юзининг нурли нуқтаси” қачон пайдо бўлган?

Бой табиати, беҳисоб ҳайвону балиқлари, ёввойи мевали дарахтларнинг мўл-кўллиги ва ҳамиша ёқимли шабада эсиб туриши, тарихчилар фикрича, палеолит, яъни тош асрининг энг қадимги даврларидаёқ бу ерга одамларни жалб қилган. Самарқанднинг жануброғида, хушманзара Омонқўтон водийсида, Тахтақарача довори яқинидаги тоғ ёнбағирларидан бирида археологлар сталактит – сумалаксимон оқма томчилардан ҳосил бўлган карстли ғорни топдилар. У бундан 100–40 минг йиллар аввал яшаган ибтидоий одамларнинг макони экан. Бу ердаги одамлар “зар сочувчи дарё” – Зарафшон бошланувчи тоғларда учрайдиган Осиё муфлонлари, морол, буғу, қўнғир айиқ ва бошқа ҳайвонларни ов қилганлар. Ҳозирги Самарқанднинг қоқ маркази Сиобча ариғи бўйидан топилган ибтидоий овчилар ва балиқчиларнинг катта манзилгоҳида қадимги гулхан қолдиқлари сақланган. Бу ерда овдан

кайтган одамлар гулхан ёруғида чакмоқтошлардан янги тош пичоқлар, новтешалар ва бошқа овчилик қуроли ясаган. Ариқ бўйлаб жануб томонда тош асри овчиларининг яна бир қанча манзилгоҳлари аниқланиб, уларда ҳам қадимий одамлар фойдаланган меҳнат қуроли, ибтидий ҳайвонлар – оққуйрук, буғу, туя, отларнинг суяклари топилди.

Бу минтақа тарихида металлнинг топилиши янги босқични бошлади. Унинг хусусиятини ўрганиш асосида одамлар ишлаб чиқаришда тамомила янги материаллардан фойдаланиш имконига эга бўлди. Металлни эритиш, қуйиш ва шаклга солиш орқали кўплаб микдорда қулай ва мустаҳкам меҳнат анжомлари ва қуроли ясаш мумкин бўлди, рўзғорбоп нарсалар тайёрланди. Ҳунармандчиликнинг янги соҳаларига асос солинди. Дехқончилик ривожланиб, шаҳарлар қуриш имкони пайдо бўлди.

Зарафшон воҳасининг саховатли замини, рангли ва асл металл рудалари, чакноқ тошлари, қурилиш материалларига бой қатламлари ана шундай юксалишга замин ҳозирлаганини кўрамиз. Милоддан аввалги III–II минг йилликларда Суғднинг қадимги қончи ва металлурглари томонидан Зиёвдин тоғи ёнбағирларидан қалайга бой руда қонларни, жанубий Қизилқум тоғларидан эса – мис, феруза, олтин қонларининг топилиши Суғд ҳаётида туб ўзгаришлар бўлишига олиб келган. Мис ва унинг қалай, сурма қумушли эритмалари металлнинг тамомила янги хилини – қуёшда олтиндек товланган ва ўта мустаҳкам бўлган бронза олиш имконини берди. Бу эса қуролсозликнинг ривожланишига ва мустаҳкам қурол-аслаҳалар тайёрлашга имкон берди. Суғд тарихида янги саҳифа очилиб, хилма-хил пишиқ-пухта иш асбоб-анжомлари, қуроли ва ҳарбий яроғ-аслаҳалар, зебу-зийнатлар ясаш мумкин бўлди. Асл ялтирок тошлар, биринчи навбатда, “ғалаба келтирувчи тош” – мовий феруза билан бир қаторда металллар суғдийларнинг мол айирбошлаш ва савдо-сотиғида муҳим воситаси бўлиб қолди.

Зарафшоннинг сўл қирғоғида – Самарқанддан унча узоқ бўлмаган Мўминобод қишлоғида жез асри чорвадорларининг харобалари топилди. Марҳумларни худди у дунёга кетаётган чақалоқлардек ётқизиб, серҳашам либослари ва мунчоқ ҳамда тақинчоқлар билан безатилган бош кийимларини кийдириб, дафн этишган. Уларнинг

ёнига тилла ва кумуш узуклар, олтин ва жез балдоқлар қўмишган. Марҳумларнинг қўлларида нов шаклидаги учи илон бошига ўхшаш билагузуклар, дастакли ойна, тош сибизга бўлган. Бош томонига идишлар, ёрғучоқлар қўйилган. Бу топилмалар шаҳарсозлик маданияти шаклланган Сугдиёна ҳудудида юксак деҳқончилик маданияти ҳам таркиб топганлигидан дарак беради. Шу омиллар сабаб, айнан шу Зарафшон бағридаги воҳада Ўрта Осиё икки дарё оралиги деҳқончилиги ва савдо-сотигининг маркази – Самарқанд шаҳри вужудга келди.

Милоддан аввалги I мингйилликда шаҳарни ўраб турадиган Зарафшон дарёсининг йирик ирмоқлари – Дарғом ва Булунғур вақт ўтиши билан катта каналлар қиёфасини олиб, улар атрофидаги ерлар гуллаган водийларга айланди. Ана шундай шароитда Авестонинг муқаддас мақтовларида тараннум этилган ва ҳозирги Ўзбекистоннинг марказий қисмида жойлашган қадимий шаҳар, Сугд пойтахти – Самарқанд қад кўтарди.

“Қанд шаҳар” ёки “ер юзининг роҳатбахш жойи”

Шаҳарнинг номи билан боғлиқ кўпдан-кўп афсона ва ривоятлар тарихда сақланиб қолган.

Ана шундай афсоналардан бири ўрта асрларда яратилган мўъжаз асар “Китаб фи-қанд ат тарихи Самарқанд” – “Самарқанд тарихининг қанд китоби” шаҳарга бағишланган бўлиб, қисқартирилган нусха – “Кичик қандия” бизгача етиб келган. Унда Самарқанднинг афсонавий ҳукмдори Шамар ибн Хорис ҳақида ривоят берилади, у бу ерда ўз исми билан аталган “Шамаркат” деган шаҳар барпо этади. Кейин бу ном Самарқанд бўлиб ўзгариб кетади. Китобдаги ривоятда ҳукмдор Самар ҳақидаги афсона баён қилинган. У узок изланишлардан сўнг гўзал бир жойни топган, унга бу жойнинг, айниқса, суви ва ҳавоси ёққан. У кудуқ қазишни буюрган. Атрофда яхши, серҳосил ер бўлган. Абу Тоҳирхожанинڭ ўрта асрларда яратилган “Самария” асарида Самарқанднинг қалъа деворлари қурилиши тўғрисидаги бир неча тахминлар орасида Феридуннинг ўғли Са-

мар (Сам) ҳақидаги афсона ҳам келтирилади. У бу ерни мерос сифатида олган ва ўзининг номидаги қишлоқ (кент)ни барпо этган. Таниқли араб тарихчиси ат-Табарий “Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи” китобида шаҳарга шоҳ Самар асос солганлиги, “қанд” эса бу жойларда яшаган турк аймағи эканлигини айтган. Айрим тарихчилар шаҳар номини “Самария”нинг санскритча “учрашув жойи”, “савдогарлар йиғиладиган жой” тарзида талқин қилиниши билан боғлайдилар ёки “Самарканса” сифатида таърифлайдилар. Александр Мақдуний (Македонский) шаҳарни истило қилгандан сўнг юнонлар уни “Мароканда” деб атай бошлашган.

«Девони луғатит-турк» луғатини тузган Маҳмуд Кошғарий бошқа тахминни келтиради. Унинг фикрича, шаҳар туркий “Семизкент”, яъни, “семиз, бой” шаҳар маъносини англатади.

Бу ҳам тасодифий эмас эди. Шаҳарнинг нафақат афсонавий таърифлари, шунингдек, ҳаётий тавсифлари, шоирлар, географ, тарихчи ва бу ерга ташриф буюрган шахслар томонидан билдирилган ҳайрат тўла фикрларида Самарқанд тупроғининг унумдорлиги, ажойиб табиати, бетакрор санъати ва аҳолисининг самимийлиги ўз аксини топган.

Турли даврларда билдирилган таърифларга кулоқ тутайлик: “Самарқанд ерлари бепоён, семиз ва унумдор бўлиб, жуда баракали ҳосил беради, гуллар ва мева-чевалар ҳаддан ташқари сероб. Аҳоли зўр отларни кўплаб етиштиради. Одамлари санъат ва хунармандчиликда донг таратган”, – деб ёзади VII асрда яшаган хитойлик буддавий миссонер Сюан Цзян ўз кундалигида.

X аср таниқли араб географи Истахрий Шаркнинг жуда кўп мамлакатлари билан яқиндан танишган. У Самарқандни “Аллоҳ яратган энг суюкли юртлардан бири”, деб таърифлаб, уни энг ширин, жаннатий мевалар етиштириладиган “ер юзидаги роҳатбахш жой”, деб атайди. Юқорида таъкидланган ва унинг замондошларидан бири бўлган ат-Табарий эса Самарқандни “мусулмон амирларининг боғи” сифатида улуғлайди.

“Самарқандликлар қалби гўзалликка ошно. Улар орасида жаҳонни безайдиган мўъжизаларни яратишга қодир усталар кўп”, – деб ёзган эди XII аср тарихчиси Идрисий.

Жуда кўп юртларни кезган ва Шарқ шаҳарларини тасвирлаган

XV аср озарбайжон географи Абдурашид ал-Бакувий Самарқандни кўргач, “Ер юзида бу шаҳардан яхшироқ, ёқимлироқ ўзга бир маскан йўқ”, – деб ёзган эди.

Самарқанднинг ташкил топиши ва тарих чархпалаги

Жаҳоннинг бу роҳатбахш маскани қачон вужудга келган? Қандай ашёвий далиллар олимларга шаҳар бу қадар улуғ ёшда эканлигини исботлашга имкон бермоқда? Унинг кўҳна тарихида илк пойдевор қаерга қўйилган?

Самарқанднинг шимолий чеккасида 200 гектардан катта майдонда тепаликлар ястаниб ётибди. Бу тепаликларни маҳаллий аҳоли “Шоҳнома” достонининг афсонавий қаҳрамони – Афросиёб номи билан атайди.

Археологнинг синчков нигоҳи бир пайтлар бу ерда мавжуд бўлган мустаҳкам қалъа-кўрғоннинг баланд минораларини ҳам, тураржой бинолари ва ҳунармандчилик устахоналари жойлашган кўчалар тарҳини ҳам, Жума масжиднинг маҳобатли харобаларини ҳам, мудофаа деворлари олдидаги бир неча кудук ва одам чиқолмайдиган қилиб қурилган дарвозаларни ҳам ажрата олади. Қадимги шаҳар атрофи сув тўлдирилган мудофаа ўраси – Новадон билан ўралган ва Зарафшоннинг лаззатли ичимлик суви билан таъминланган, бу сув кўрғошин ариқ – Жўйиарзиз орқали келтирилган бўлиб, бу ўз даврида самарқандлик усталарнинг энг яхши ютуқларидан бири деб ҳисоблаган.

Қазишма ишлари вақтида топилган маданий қалин қатлам шаҳарнинг кўп асрлик ҳаётидан далолат беради. Улар турли даврларга оид истехкомли иншоотлар, ҳашаматли сарой ва ибодатхоналар, шаҳар аслзодалари ва аҳолисининг турар жойлари, ҳунармандчилик устахоналари, бозор майдонлари, ҳовузлар ва катта-кичик ариқлар ўтган йўлларни ўз ичига олади. Қадимий Самарқанд шаҳар ҳаёти пайдо бўлгандан то мўғулларнинг фожияли босқинигача ана шундай кўринишда эди. Шаҳарда қурилишлар тўхтовсиз давом этгани боис, шаҳар ҳаётининг илк даврларига оид

ашёлар маданий қатламнинг энг остида, 14–19 м гача чуқурликда қисман сақланган.

Археологларнинг кўп йиллик қазिशмалари, ниҳоят, шаҳарнинг дастлабки маданий қатламларигача етиб бориб, ундаги нафақат қатлам тизмалари, шу билан бирга илк истеҳком-иншоотлари қолдиқлари, турар жойлар, рўзгор буюмлари ва зеб-зийнатларни, юқори қатламларда учрамаган, катта булкага ўхшаб кетадиган қурилиш ғиштлари ва ганчкор сопол парчаларидан ташкил топган моддий маданият юқори қатламлардаги ашёлардан кескин фарқ қилишини аниқлаш имконини берди. Айни вақтда бу Фарғонадан Жанубий Туркменистонгача бўлган улкан ҳудудда милоддан аввалги I мингйиллик бошларида яшаган халқлар маданиятига ўхшаш томонлари билан ҳам характерланади. Бу маданият бир неча юз йилликларни қамраб олгани учун Афросиёбнинг аниқ ёшини айтиб бериш имкони йўқ эди. Лекин кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси ФА Археология институти ходимлари француз олимлари билан параллел равишда яна бир йирик шаҳар харобаларида қазишма ишларини бошладилар. Бу шаҳар Кўктепа номи билан машҳур бўлиб, ҳозирги Самарқанддан 30 км шимоли-ғарбда жойлашган. Унинг тарҳи Самарқанднинг кичрайтирилган нусхаси бўлиб чиқди, лекин бу шаҳар Самарқанддан фарқли ўлароқ антик даврлардаёқ эътибордан қолди. Натижада унинг қадимий тарҳи нисбатан яхши сақланди. Кўктепанинг ички мудофаа деворларида ҳашаматли бинолар ва ибодатхона иншоотларининг бўлмалари кўзга ташланади, бу иншоотлар ҳам илк Самарқанд қурилишларида ишлатилган гуваласимон шаклдаги ғиштлардан бунёд бўлган. Ана шу мажмуаларда қазишмалар олиб борилиб, ибодатхона ва саройнинг илк шакли аниқланди. Бу бинолар ўша давр андозасидаги ғиштлардан кўтарилган, маданий қатламларда эса ўша даврнинг ганчкорлик идишлари аниқланган. Ибодатхонанинг маросим бажариладиган меҳробида муқаддас олов куллари сақланиб қолган. Кулнинг радиокарбон таҳлили олов ёқилган воқеа бундан 2750 йиллар аввал содир бўлганлигини аниқлашга имкон берди. Кўктепа меъморчилиги ва унинг бутун моддий маданияти Афросиёбнинг илк қатламларида топилгани ашёлар билан айнан ўхшашдир, бу ҳол

мазкур шаҳарлар қурилиш санаси илк Самарқанд вужудга келган сана билан бир хил бўлган дейишга имкон беради.

Самарқанднинг дастлабки мудофаа иншоотлари ва моддий маданий буюмлари милоддан аввалги VIII–VII асрларга оид қадимий Шарқ жамиятига хосдир. Бу қадимги Суғд давлатчилиги ташкил топган вақтдир, бу давлатнинг пойтахти Самарқанд эди. Ҳарбийларнинг энг сара намояндалари унга бошчилик қилишган. Маҳобатли қалъа эса уларга атаб қурилганди. Қалъа ташқи томондан ҳам, шаҳарликлар яшайдиган турар жойлардан ҳам бир хилда мустаҳкам химояланганди. Авестонинг муқаддас алқовлари айни ана шу жамият ҳақида маълумот беради. Жамиятни қудратли соҳиблар, “икки ғилдиракли араваларида турувчи” – “ратха-эштар”лар бошқарарди. Муқаддас Суғуд-Суғд олий илоҳ Аҳрамазда томонидан яратилган мамлакат деб таърифланади. У билан бир қаторда Баҳди (Бақтрия) ва Моуру (Марғиёна) эслатилади.

Бу ўлкаларнинг таққосланиши улар маданиятида ўхшашлик бўлганлигини кўрсатади. “Шохнома”да Турон хукмдори Афросиёб ҳаёти билан боғлиқ воқеалар шоирона баён қилинган, лекин у ҳақиқатдан унчалик узоқ эмас. Тарихчилар қадимий Бақтрия подшолигининг ташкил топиши ва унинг кўҳна Суғд билан иттифокда бўлганлигини айтиб ўтганлар. Қадимги муаллифлар унинг ғарбда Амударёдан, шарқда Сирдарёгача бўлган худудни эгаллаган катта ўлка сифатида баён қилиб, чекка атрофларида яшовчи халқлар билан, хусусан, қудратли кўчманчи сак қабилалари билан яқин алоқада бўлганлигини ёзганлар. Шу билан бирга жанубий ўлкалар – Бақтрия, Ҳиндистон билан ҳам иттифокда яшаган.

Суғд Бақтрия билан бирга милоддан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмидан Аҳоманийлар томонидан истило қилиниб, уларнинг империяси таркибига муҳим вилоят сифатида киритилди. Суғд аҳоманий шохлари саройлари учун олтин ва ложувард етказиб берарди. Самарқанд бу вақтда ички деворли узун йўлаклар ва туйнукли, қудратли мудофаа истеҳкомлари билан ўралган эди. Унинг ҳарбий-маъмурий маркази – қалъа шаҳарнинг асосий иншооти ҳисобланарди. Шаҳарнинг ўзида бирин-кетин катта турар жой мажмуалари қад ростлаб, хунармандларнинг даҳалари пайдо бўлди. Самарқанд атрофида ўзига хос хунармандчилик масканлари – те-

мирчилар, тўқувчилар, кулолларнинг “йўлдош шаҳарлари” вужудга кела бошлади. Бундай даҳаларни археологлар ҳозирги шаҳар марказида – Университет хиёбони атрофларида, Сартепа микрорайонида, аэропорт йўлидаги Афросиёб яқинида аниқладилар. Бу жойларда меҳнат куруллари, тайёр маҳсулотлар, жез, олтин, тош, суякдан ишланган безаклар топилди. Турли шаклдаги ажойиб сополларга кулоллар ишлов бериб, йирик икки бўлмали қозонда пиширганлар. Бу сополлар сифати жиҳатдан Бактрия, Марғиёна, Хоразмда тайёрланган буюмлардан қолишмасди. Суғдиёнадан олис юртларда ҳам шуҳрат топди. Аҳоли ва шаҳарни сув билан таъминловчи ариқларнинг мураккаб тизими вужудга келтирилади.

“У менинг тасаввуримдагидан ҳам гўзалроқ экан”

Бир неча жанглarda форс қўшинини тор-мор қилган Александр Мақдуний (Македонский) қўшинларининг фалангалари милoddан аввалги 329 йилда Ўрта Осиёга бостириб кирди. Самарқанд ҳақида биринчи ёзма маълумот ҳам ана шу даврга тўғри келади. Маълумки, Александр тоғдан ўтган савдо йўллари бўйлаб Бактриядан милoddан аввалги 329 йил баҳорида Самарқандга яқинлашади. Юнонлар аввалига форс зулмидан халос этувчилар сифатида қабул қилинган, бироқ уларнинг талон-торожликлари Суғдда қўзғолон келтириб чиқарди, унга мард ҳукмдор Спитамен бошчилик қилди. Сирдарё яқинида қўшинлари билан турган Александр қамал қилинганларга отлик ва пиёдалар қўшинларини ёрдамга юборди, бироқ Спитамен чекинаётган бўлиб чалғитиб, Зарафшон оролларида бирида душманни тор-мор этди. Бу юнонларнинг Шарқдаги бутун ҳарбий ҳаракатлари мобайнидаги биринчи мағлубияти эди. Александр ҳамма ишларини йиғиштириб, асосий қўшини билан тезда Самарқанд томон қўзғалди.

Македонияликлар билан кураш даври бизга Самарқанд ҳақидаги дастлабки тавсифларни беради. Бу ҳақда “Александр Македонский тарихи” солномасини ёзган Квинт Курций Руф (милодий 1-аср) маълумот беради. У узунлиги 70 стадий (1 стадий – 185–195 м) ташқи

деворлар билан ва алоҳида ички девор билан ўралган қалъа-қўрғон (арка)ли Мароканда шаҳри ҳақида маълумот қолдирган. Кейин у македонияликлар гарнизонини қувиб чиқариб, Спитамен ичида бекиниб олган шаҳар деворини эслатади. Александр бу шаҳарни ўз ҳокимиятининг асосий таянчига айлантириш мақсадида унинг деворлари ҳамда қалъасини мустаҳкамлашни буюради. Лекин бу таянч нукта, бутун Суғд сингари, исёнкор ва эрксевар бўлиб чиқди. Македонияликлар Спитамен бошчилигидаги отлик суворийлари сикувидан ҳимояланиб, қалъанинг кучли истехкоми ичига тез-тез яширинишга мажбур бўлдилар. Суғдликлар македонияликларнинг бу ердаги ноиби – сатрап Артабазга пойтахтда ҳам, бошқа шаҳарларда ҳам бўйсунушдан бош тортди. 328 йилда эса кураш, айниқса, авж олди. Александрнинг ўзи Марокандага қараб юра бошлади, унинг сафдошлари Птолемей, Артабаз ва бошқаларнинг қўшинлари Суғд воҳалари узра ажал уругини сепиб, Суғд истехкомларини вайрон этиб ҳаракатланарди.

Александрнинг ўз амалдорлари билан биринчи ошкора низоси ҳам Самарқанд билан боғлиқдир. Бунга сарой аъёнлари маҳаллий урф-одатларни жорий этганлиги сабаб бўлган. Самарқанд қалъа-қўрғонида бўлиб ўтган тўқнашувда Александр ўз эмишган укаси Клитни ўлдиради.

Суғдда тинчлик ўрнатиш учун кураш милоддан аввалги 327 йилгача, яъни Спитамен ҳалок бўлгунга қадар, қарийб 3 йил давом этди. Шаҳар ҳақида Александрга нисбат бериб айтиладиган қуйидаги сўзлар кўпчиликка маълум: “Самарқанд тўғрисида эшитганларимнинг ҳаммаси ҳақиқат, фақат бир истисно бор, у менинг тасаввуримдагидан ҳам гўзалроқ экан”. Шундай бўлса-да, Самарқанд истило қилинаётганда у вайрон этилди. Мамлакатга катта зиён етди. Бунинг ўрнини қоплаш учун Александр маҳаллий аслзодалар билан иттифокда бўлиш сиёсатини юритди, унга бу ердан янги шаҳарлар қуришга тўғри келди. Унинг ўлиmidан сўнг улкан давлат парчаланиб кетди. Янги давлатлар – Салавакийлар, Юнон-Бақтрия, Кушонлар подшоликлари ташкил топди. Бу давлат уларда юнон маданияти унсурлари билан маҳаллий Шарқ маданияти унсурлари чатишиб кетди.

Мовароуннахрнинг курукликдаги бандаргоҳи

Хитойда Хан, Европада Рим каби йирик империяларнинг ташкил топиши Шарк билан Ғарб ўртасида қитъалараро савдо бошланишига, курукликда улкан савдо йўллари шаклланишига имкон берди. Бу савдо йўлларини XIX аср охиридан олимлар ўша даврнинг энг кадрли молларидан бирининг номи билан боғлаб, Буюк ипак йўли деб атай бошлаганлар. Бу номни илк бор немис хитойшуноси Фридрих фон Рихтгоффен таклиф этган. Бу ипакнинг савдо айирбошлашидаги энг яхши восита бўлганлигини ифодалайди. Енгил, деярли вазнсиз, юпқа ва пишиқ, хилма-хил мураккаб безаклари товланиб турувчи ипак мато табиат мўъжизаси, илоҳий неъмат ҳисобланган.

Қадимги даврда Шарқда, шунингдек, Европа мамлакатларида ипак барча дипломатик ва маданий алоқаларда энг яхши совға, яъни тортиқ саналганлиги бежиз эмас. Ипак аслзодаларнинг тантанавор кийимларига ишлатилган, бундан ташқари руҳонийларнинг устбошини безаган, черковларда муқаддас ибодат анжомлари устига ёпилган. Эрондан тортиб Шарқий Туркистонгача сақланган сарой ва ибодатхоналарнинг бизгача етиб келган деворий тасвирларидаги манзараларда ипак Шарқнинг аслзода аёл ва эркаклари кийим-бошлари учун қимматли мато бўлганлиги кузатилади. Шу боис ипак олтин даражасида кадрланган.

Ўзбекистонда топилган энг дастлабки ипак толаси қолдиқлари милоддан аввалги II мингйилликка тўғри келади. Аммо ипак матоси Осиё ёдгорликларидаги Пазирик кўрғонларидан тортиб, Жанубий Европа (Афина, Македония)да антик даврда – эллинларнинг алоқалари ва маданияти гуллаб-яшнаган даврларга қадар кенг тарқала бошлаганини кузатиш мумкин. Бу давлат ҳокимиятининг марказлашиш даврига тўғри келади.

Эллинизм шаҳар маданияти тарихида – шаҳарлар аниқ мейморий ечимлар бўйича шаклланган. Шаҳарлар тўғри тўрт бурчакда ёки тўғри бурчакли қилиб, марказни кесиб ўтувчи ва ҳар қайси томондан асосий дарвозага олиб чиқувчи катта кўчаларни назарда тутиб режалаштирилган. Қалъа деворларидаги миноралар ва унча баланд бўлмаган, лекин ҳужум қилаётган душманга деворни бузувчи қуролларни ишлатишига имкон бермайдиган махсус қурилмали

туйнукли деворларни ўз ичига олган. Қалъага чиқиш жойлари қуёш ҳаракатланишига тескари ҳалқа йўл тарзида қурилган. Бу кўтарилаётган жангчининг қалқон билан тўсилмаган гавдасининг бир қисми ҳимоячиларга албатта очиқ қолиши учун қилинган. Ана шу меъморий қонуният белгиларини биз қадимги Самарқандда ҳам кўрамыз.

Александр Македонский юришлари вақтида зарар кўрган Самарқанд Шарқ эллинизми даврида харобалар остидан қайта қад ростлади ва яна унинг гуллаб-яшнаш даври бошланди. Ўрта Осиё дарёлари оралиғида жойлашган шаҳар яна Евросиё савдо алоқаларининг маркази бўлиб қолди. Бу вақтда Самарқанд атрофида қўрғон-шаҳарлар ва обод қишлоқлар қад кўтарди. Бу даврга оид хунармандчилик маҳсулотлари – қизил ва қора лак билан қопланган чиройли нафис қадахлар, юпқа коса ва пиёлалар юнон ва римликларнинг лакланган идишларини эслатади. Майда жигарранг ўймакорлик маҳсулотлари Шарқ эллинизмининг ёрқин белгиларини ақс эттирган. Зарб қилинган тангаларда сопол буюмлардаги каби суғд ёзуви намуналари сақланиб қолган.

Милодий III–IV асрлардаги халқларнинг Буюк кўчиши даврида Ўрта Осиё орқали кўчманчи қабилалар тўлкини ўтиб, бу қабилалар қисман воҳаларда ўтроқлашди. Бу Суғд ва Самарқанд иқтисодиёти, этник таркиби, маданияти қиёфасида ўз аксини топди.

Милодий I-мингйиллик ўрталарида бу ҳудуд эфталийлар давлати, кейин эса қудратли Турк хоқонлиги таркибига киради.

Айнан, IV–V асрларда Суғд савдогарлари тижорат фаолияти қучайиб, уларнинг жадал суръатда ўзга юртларгача етиб бориши даври бошланди. Суғдийлар Буюк ипак йўлининг қуруқликдан ўтадиган кўпгина муҳим йўналишларини назорат остига олдилар. Буюк Хитой девори яқинида ўз савдо манзилгоҳларини вужудга келтирдилар. Шарқий Туркистонда эса ибодатхоналари бўлган шаҳарларга асос сола бошладилар. Покистонда ва Шимолий Ҳиндистондаги Қорақурум довоининг қийин ва хавfli тоғ сўкмоқларидан қарвонлари билан кўтарилдилар. Бу ерда, Шатиал ва Чилас кўприқлари ёнида, кечувлар яқинидаги довоонларда ҳинд савдогарлари билан мол айирбошлайдиган савдо манзиллари вужудга келди. Хавfli ўтиш йўллари бўйлаб баланд тоғ қояларида ва ҳинд дараларида, сеҳрли

“осма кўприк” олдидаги мол айирбошлаш нуқталарида худоларга илтижо қилиб ёзилган суғд ёзувида юзлаб номлар, муқаддас тим-соллар ва тасвирларнинг ўйиб ишланган шакллари қайд этилган.

Шарқий Туркистоннинг савдо манзилгоҳида милодий IV асрга оид ноёб “эски суғд хатлари” – “кўҳна хатлар” сақланиб қолган. Улар орасида бу ерда яшаган савдогарларнинг Самарқандга ёзган мактублари диққатга сазовор. Бу хатларда суғдий манзилгоҳлардаги ҳаёт, савдо қилиш учун зарур бўлган моллар, маҳаллий аҳамиятга молик сиёсий воқеалар баён қилинган.

Суғд савдогарлари ва биринчи навбатда, самарқандлик тижоратчиларнинг нуфузи Турк хоқонлиги даврида орта борди. Хоқонлик гуллаб-яшнаган пайтда унинг ҳудудий чегараси Шарқда Хитойнинг Тан империяси чеккаларидан, ғарбда Каспий ва Қора денгизларга ча борган эди.

Турк хоқонлари Хитойдан ўлпон сифатида оладиган ипакларини сотишдан манфаатдор эдилар. Шунинг учун улар самарқандлик савдогарларга хайрихоҳлик қилиб, уларни кўллаб-қувватларди. Бундан фойдаланган савдогарлар шаҳарлар ва қарвонсаройлари бўлган дашт йўлларига асос солдилар. Сосонийлардан бўлган Эрон шоҳи суғд элчиси Мониах бошчилик қилган Турк хоқонлиги элчиларининг Буюк ипак йўли жанубий йўлларини биргаликда назорат қилиш тўғрисидаги таклифини рад этиб, совғага олиб келинган ипакни пойтахт майдонида намойишкорона ёқиб юборди. Шундан сўнг хоқонлик элчилари янги йўналиш бўйича, шимол томонга, Хоразм Каспий денгизи ва Кавказ орқали Византияга йўл соладилар. Кўп ўтмай сосонийлар шоҳига қарши ҳарбий битим ва савдо иттифоқи тузилди. Бу Византия, Кавказ, Русь билан амалий алоқаларнинг янги йўналишини очади.

Суғдликлар нафақат Хитой ипаклари билан савдо қилганлар, балки ўзлари ҳам бу қимматбаҳо маҳсулотни тайёрлаганлар. Суғдликларнинг ўзига хос расмлар билан безатилган шойиси византияликлар, эронликлар ва хитойликларнинг кейинги даврда тўқилган матоларидаги безаклари учун намуна бўлиб хизмат қилди. 629 йил Самарқанддан келган Хитой сайёҳи буддавий Сюан Цзян Самарқанд шаҳарини ҳосили мўл, турли мамлакатлардан келтирилган қимматбаҳо молларга бой, хунар ва санъатда бошқа ўлкаларни

доғда қолдирадиган кўп сонли аҳолиси бўлган, гуллаётган ўлканинг маркази сифатида таърифлаган.

Диний муносабатларда илк ўрта асрлардаги Суғд диний бағрикенг мамлакат сифатида машхур бўлган. Бу ерда зардуштийлар, монийлар, христианлар, кушонлар давридан бошлаб эса, буддавийлар иноқ яшаганлар. Уларнинг вакиллари Суғддан Шарқий Туркистон ва Хитойга мазкур динларни тарқатганлар.

Кўшнилари учун намуна

Бу давр муаллифлари Самарқанд аҳолисининг ўз кўшниларига намуна бўлганлиги, Суғд эса Ўрта Осиё дарёлари оралиғидаги ўлкалар иттифоқини дипломатик, савдо ва ҳарбий ишларда бошқарганлиги ҳақида гапирадилар. Самарқанд атрофидаги карвон йўлларида Панжикент, Кушония, Дабусия сингари савдо шаҳарлари, уларни боғловчи йўллар, ҳукмдорларнинг қароргоҳлари ва хунармандчилик марказларини кўриқловчи қалъалар пайдо бўла бошлайди.

Бозорларни тўлдирган деҳқончилик маҳсулотлари ҳам машхур эди. Бу маҳсулотлар нафақат савдо карвонларини таъминлаган, балки халқаро савдода ҳам қадрланарди. Хусусан, Хитойнинг Тан империясига олиб борилган энг сара моллар орасида Самарқанднинг машхур шафтолилари эслатилади. Улар хитой императори дастурхонига энг тансиқ мева сифатида кўйиларди.

Хитой манбалари Ўрта Осиё ўлкалари халқи самарқандликларнинг турмуш тарзидан намуна олган, деб бежиз таъкидламаган. Хитой солномачилари Самарқандда болалар беш ёшидан саводга ўргатилганлиги, хунарлар ва савдо бобидаги билимларни эгаллаганлиги, ташаббускорлик ва тадбиркорлик кўникмаларини орттира борганлиги ҳақида хабар берганлар.

Идишлар, тангалардаги ёзувлар, суякдан ишланган қаламлар, суғдча ёзувли сопол парчалар юксак саводхонликдан далолат беради. Зарафшон дарёси бошланадиган жойда, Муғ тоғ қасрида Суғд ҳукмдори Деваштичнинг ноёб подшо архиви топилган. Пергамент қоғозга, териға, ёғоч бўлақлари ва тахтачаларга туш билан ёзилган ҳужжатлар ҳукмдорнинг яқин ва узоқдаги, ҳатто Хитойгача бўлган

мамлакатлар билан савдо ва дипломатик алоқалари ҳақида маълумот беради. У томонларга элчилар ва савдо қарвонлари бориб, суғд ёзуви, мусиқа маданияти, айниқса, раққосаларнинг маҳорати ва ашулачиларнинг ижрочилик санъатини кенг ёйганлар.

Суғд шаҳарларида меъморчилик ривожланиб, бир неча қаватли шинам уйлар, расмлар ва ҳайкаллар билан безатилган сарой ва ибодатхоналар қад кўтарди. VII аср Самарқанд ихшиди – подшоҳи Вархуманнинг қасри монументал санъатнинг энг яхши намунаси ҳисобланган. Қасрнинг “Катта қабуллар зали” ранг-баранг деворсуратлар билан зийнатланган. Безакларнинг сақланиб қолган икки метрча баландликдаги намунаси юксак бадиий ижроси билан лол қолдиради. Қаср деворидаги суратлар ўша давр учун энг характерли воқеалар – шунқорларнинг ов қилиш саҳналари, ибодатхонага тантанаворлик билан келиш, диний маросимларни ўз ичига олган. Улар орасида Суғд ҳукмдори ҳузурига совғалар билан келган дипломатик миссияларни шоҳона қабул қилиш манзараси тарихий аҳамиятга эга. Бу тасвир зал деворларининг кираверишдаги асосий қисмини эгаллайди. Бу композицияда Осиёнинг турли вилоятларидан келган элчихона вакиллари, яқин ва узоқ ўлкалардан ташриф буюрган бактрияликлар ва чочликлар, турклар ва эронликлар, хитойлар ва корейслар, тоғ қабилаларининг ўша даврга хос анъанавий чиройли кийимлар кийиб олган вакиллари кўрсатилган.

Меҳмон-дипломатлардан бирининг чопони ҳошиясида суғд тилида ёзилган ёзув сақланиб қолган. Ёзувни санкт-петербурглик шарқшунос В.А. Лившиц ўқиган. Унда айтилишича, ҳозирги Сурхондарё худудида жойлашган ўлкалардан бири – Чағониён элчиси “оғиз очди” (*яъни, гапира бошлади. – Ю.Б.*). У шундай деди: “Мен чағониёнлик дапирпат (*элчихона котиби – Ю.Б.*) Пукарзода Чағониён ҳукмдори Туронтош номидан бу ерга – Самарқандга подшо ҳузурига ҳурмагимни изҳор этиш учун келдим. Бинобарин, эй шоҳ, менга нисбатан шубҳа билан қарама, мен самарқандлик худолар борасида, шунингдек, Самарқанд ёзувидан яхши хабардорман ва подшога ҳеч қандай ёмонлик раво кўрмайман. Эй, шоҳ, роҳат-фароғатда яшайвер. Шундан сўнг шоҳ Вархуман унга рухсат берди... Шундан кейин чоч дапирпати оғиз очди” (*яъни, Тошкент воҳаси марказ ҳисобланган ўлка элчиси – Ю.Б.*), лекин у нима ҳақда

гапирганлигини биз билмаймиз, чунки хатнинг кейинги қисмлари ўчиб кетган. Аммо, унинг гапи ҳам чағониёнликниқига ўхшаш бўлиши керак. Бу ёзув яқин ва узоқ мамлакатлар элчиларини дипломатик қабул қилишга ўхшаш тадбирнинг аҳамияти қай даражада бўлганлигини кўрсатиб туради.

Тадкикотчилар уни нафақат санъат ёдгорлиги сифатида, балки Ўрта Осиё ва унинг атрофидаги ўлкалар халқларининг ҳар хил этник кийёфаси, кийимлари, курол-яроғларини кўрсатувчи ўзига хос “этнографик энциклопедия” сифатида баҳолайдилар. Бу тасвирларда суғдийларнинг ўзи ҳам, уларнинг туркий қисми ҳам атрофлича намойиш этилган. Туркий гуруҳларнинг композициявий жойлашишини синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, улар меҳмонлар таркибидагина бўлиб қолмай, шу билан бирга, асосий қабул маросимини ташкил этувчилар сифатида ҳам кўринадилар, яъни бу ердагиларнинг етакчиларидан ҳисобланадилар. Бу Суғдда туркийларнинг катта нуфузи ва уларнинг Турк хоқонлиги таркибидаги мавқеидан дарак беради.

Тадкикотчилар Суғд ҳарбий аъёнлари ва VII–VIII аср Суғд ҳукмдорларининг катта қисми туркийлар бўлган, деб таъкидлайдилар. Самарқанд ва бутун Суғд ҳукмдорлари – Деваштичдан олдин ўтган ва айрим бошқа ҳукмдорларнинг номи туркча бўлган. Суғд ҳукмдори Вархуман ҳам Авархуман сифатида талқин этилиб, келиб чиқиши туркийлардан эканлиги қайд этилади. Юқорида эслатилган манзарадаги муҳим сиёсий воқеада Турк хоқонлигининг олий даражадаги вакиллари ҳам қатнашганлигини истисно қилиб бўлмайди.

Ўша давр Суғд санъатининг бошқа ажойиб ёдгорликлари орасида торевтика намуналари – бадий ишланган кумуш кўзалар, кружкалар ва қошиқсимон косаларни кўрсатиш мумкин. Уларни ўрганиш натижасида санъат даражаси ва ишланиш маҳорати жиҳатдан бу буюмлар Византиянинг машҳур торевтика мактаби асарларидан қолишмаслиги аниқланди. Бу ҳол Суғднинг ўша даврда Византия билан калин савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларида бўлганлигини тасдиқлайди.

Афросиёбдаги қазишмаларда топилган фил суягидан ишланган дунёдаги энг қадимги ноёб шахмат доналари йиғмаси катта қизиқиш уйғотди. Топилма ўша даврдаги ҳамма шахмат доналарини бирин-

чи марта тўлик ҳолда бизга намоён қилади. Монументал деворий безак кўринишлари ҳукмдорлар қасрларинигина эмас, Суғд аъёнлари ва шаҳарлик бой савдогарларнинг ҳашаматли қасрларидаги залларини ҳам беаган. Дунёвий мавзудаги ажойиб деворий суратлар Суғднинг йирик шаҳри Панжикентдаги хонадонларда ҳам топилди. Диний мазмундаги кўринишлар эса ибодатхоналарнинг деворларини беаган. Афросиёб қасрлари деворларидаги безакларга ўхшаш композициялар Буюк ипак йўли бўйлаб Шарқий Туркистонга қадар тарқалиб борган. Милодий VII–VIII асрларда Самарқандда тайёрланган маҳсулотлар Хитойнинг Тан даврига оид ноёб осоритикалар орасида маълум бўлганлигини юқорида таъкидлагандик. Суғд тили эса, америкалик хитойшунос Э. Шефер қатъий ишонч билан таъкидлаганидек, илк ўрта асрлар даврида Буюк ипак йўлининг қуруқликдаги асосий йўлларида савдо аҳлининг халқаро тили бўлиб хизмат қилган.

Шоир ноҳак эди

Ўрта Осиёнинг Араб халифалиги томонидан истило қилина бошланган VII асрнинг иккинчи ярмидан Суғд ҳукмдорлари арабларга қарши курашга бошчилик қилдилар. 712 йил Самарқанд Қутайба ибн Муслим кўшинлари томонидан босиб олинди, лекин кейинги йилиёқ аҳоли қўзғолон кўтарди. Халқнинг Гўрак, Деваштич ва Муқанна бошчилигидаги қаҳрамонона кураши гоҳ сўниб, гоҳ авж олиб, қарийб икки аср давом этди. Истилочилар суғд шаҳарларини таладилар, ибодатхоналарни яқсон қилдилар, ёзма ёдгорликларни ёқдилар. Араб тарихчиси ат-Табарий Хуросонга тайинлаган ноиб томонидан Самарқанддаги маъбудлар талангани ва улардаги олтинлар, қимматбаҳо тошлар йиғиб олиниб, вайрон қилиб ташлангани хақида ёзган. Натижада, Суғднинг ажойиб дунёвий ва диний санъат ёдгорликлари зарар кўрди. Самарқанд истилочиларга қарши курашда шу қадар шикаст топдики, VIII аср Суғд шоири Абу-т-Таки Аббос Тархон ачиниби қуйидагиларни ёзган эди: “Самарқанд! Сен харобага айландинг. Нақш-безакларинг қанчалар вайрон бўлди. Сен Чочдан ҳам харобсан, бундан энди асло ўнглолмайсан!”

Лекин шоир ноҳак бўлиб чиқди. VIII асрнинг иккинчи ярмиданоқ ва айниқса, IX асрдан шаҳар вайроналардан қайта тикланди. Бунга муҳим сиёсий воқеалар имкон берди. VIII аср ўртала-рида халифаликда икки уруғ жамоаси – ҳокимият тепасида турган умавийлар ва аббосийлар ўртасида кураш бошланди. Шимолий Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳукмдорлари қўллаб-қувватлаши нати-жасида 747–748 йилларда Араб халифалиги ҳокимияти тепасига Аббосийлар келди. Шундан сўнг гарчи Аббосийларнинг марказ-лаштириш сиёсати туфайли, маҳаллий ҳукмдорларнинг кўпчи-лиги ўз ҳуқуқларидан муҳрум бўлиб, сиёсий ҳокимиятни кўлдан бой берган бўлса ҳам, Мовароуннаҳрнинг исломни қабул қилган аҳолисининг ҳуқуқлари араб аъёнлари билан тенглаштирилган-лиги, уларнинг халифалик давлати сиёсий ва иқтисодий ҳаётига жадал кўшилишига олиб келди. Бундан Суғд ва биринчи навбат-да Самарқанд савдогарлари анча унумли фойдаландилар. IX аср бошида халифа Маъмун ғалаба қозонгач, ўрта осиеликлар у би-лан халифалик пойтахти Бағдодга тантанали равишда кириб бор-дилар. Ўша даврда халифанинг асосий кўшини жанговарлиги би-лан ажралиб турадиган туркийлардан бўлгани, кўмондонликка эса ҳарбий қобилияти ва маҳорати туфайли кўпроқ суғдликлар олин-ганини ёзганлар.

Пойтахтда ва халифаликнинг бошқа йирик марказларида Суғд савдогарларининг карвонлари учун карвонсаройлар, турар жой даҳалари қад кўтарди. Суғд савдогарлари Хитойдан тортиб Якин Шарққача ҳам куруқликда, ҳам денгиз орқали ўтган савдо йўллари-ни назоратга олди. Айни ўша вақтда Самарқанднинг жадаллик би-лан қайта тикланиши давом этди. Шаҳар маълум муддат халифали-гининг Мовароуннаҳрга тайинлаган ноибларининг қароргоҳи ҳам бўлиб, бу ерда улар ўз тангаларини зарб қилдирди.

Ўзининг маҳорати ва тайёрланган маҳсулотларининг хилма-хиллиги билан ажралиб турадиган Самарқанд ҳунармандларининг турар жойлари қад кўтарди. IX–X асрларда бу ерда турли қурол-яроғлар ва аслаҳалар, олтин ва қумуш белбоғлар, от эгар-жабдуғлари, узанги, юган, сувлиқлари; ноёб металлдан ишланган хилма-хил заргарлик буюмлари; катта қозонлару чиройли жомлар, зеб-зий-натлар кўплаб тайёрланарди. Самарқанд сополи ниҳоятда чирой-

ли эди. Рангли шишадан нафис идишлар тайёрланган, куфа ёзуви билан ранг-баранг безаклар, мураккаб гулли ва геометрик шакллар тушириб ишланган машхур сирли сопол идишлар (улар эндиликда Ғарбий Европа музейларини безаб турибди) ҳозирда ҳам тайёрланади. Ранго-ранг газмоллар – шойилар, зарбоф парча ва жунли мато, чиройли тўқ-қизил бахмал, такинчоқлар, нақшинкор тошлар, мухрлар ва бошқа кўпгина моллар халифалик бозорларида суғдлар савдогарларга шуҳрат келтирди. Самарқанд қоғози алоҳида ўрин тугарди, у Шарқ ва Ғарбнинг ҳамма мамлакатларида машхур бўлди.

Самарқанднинг юқори сифат ва қийматга эга кумуш дирхамлари Италия, Германия, Швеция, Норвегия, Готланд ерлари ва Киев Руси князлигининг ўрта аср шаҳарларидан топилган хазиналар орасида учрайди.

X аср араб географи Истахрий Самарқандни “Мовароуннаҳрнинг курукликдаги бандаргоҳи” деб бежиз таърифламаган эди. Бу ерга дунёнинг турли чеккаларидан савдогарлар мол айирбошлаш учун келишган. Бу эса давлатга катта даромад келтирган. Самарқанд савдогарлари Мисрдан тортиб Хитой ва Ҳиндистонгача машхур бўлишган. IX аср охиридан Мовароуннаҳр амалда Сомонийларнинг мустақил ўлкаси сифатида ажралиб турарди. Бухоро унинг сиёсий пойтахтига айланди, аммо Самарқанд иқтисодий, маданий ва илмий марказ бўлиб қолаверди. Араб географлари “иқлимлар”ни ажратиб кўрсатганда, Бухорони Самарқанд Суғди таркибига киритадилар.

Археологлар Афросиёбда X аср сомоний хукмдорларининг ҳашамдор хоналари бўлган қасрларини топганлар. Қаср хоналари оқ ганчдан ишланган чиройли нақшинкор панеллар билан безатилган.

Шаҳар зодагонларининг турар жойлари ҳашамдорлиги жиҳатидан сомонийларнинг қасрларидан қолишмасди. Самарқанднинг жануби-ғарбий қисмида турар жой биноси топилган бўлиб, унинг ички қисмидаги – меҳмонхонанинг девори ва куббаси нозик ганч ўймакорлиги билан безатилган эди. Буларнинг ҳаммаси IX–X асрларда Самарқанд яна гуллаб-яшнагани, Мовароуннаҳрнинг энг йирик савдо-хунармандчилик ва маданий марказига айланганлигини яққол кўрсатади. Шарқ ва Ғарбнинг барча энг муҳим қарвон йўллари яна шу шаҳар орқали ўтарди.

IX–XII асрларда шаҳар ҳаёти шахристон деворларидан ташқарига чиқиб, Чўпонота тепаликларидан тортиб Дарғом дарёси этакларига – Зарафшон водийсининг бепоён кенгликларига ёйилди. Манбаларда айтилишича, Самарқанд ўзининг кўкаламзорлиги билан шуҳрат қозонган. Истахрий таърифида келтирилишича, шаҳар қасрлари унинг дарахтлари соясида қолиб кетганди, боғларининг гўзаллиги ҳовуз сувларида жилваланиб акс этарди. Шаҳарга сув маҳсус кўрғошин қувур – “Жўйиарзиз” орқали келтирилди. У Марказий Рас ут-тоқ бозори куббалари остидан шаҳар девори орқали ўтказилган бўлиб, ер ости сув ўтказгич қувурлари билан қаср ва жоми масжидига олиб борилганди.

XI асрда Самарқанд Қорахонийлар давлати қўл остига мулк сифатида кирди, кейин бу давлат Ғарбий тармоғининг пойтахти бўлиб қолди. Ана шу вақтда шаҳар ҳаётида янги босқич бошланди. Бу ерда Тамғочхон Иброҳим қасри ва кўп устунли Жума масжиди, шифохона – бемористонлар, мадраса, карвонсаройлар, бозор гумбазлари ва ҳаммомлар, шаҳарлик аслзодаларнинг уйлари ва хунармандларнинг даҳалари бунёд этилди.

Қалъа-кўрғонда очилган Тамғочхоннинг йўлак ва айвонли қасри ранг-баранг девор суратлари билан бежирим безатилган бўлиб, уларда табиат, ов манзаралари тасвирлангани, Самарқанд маҳобатли сәнъатининг янги саҳифаси ҳисобланарди.

Шаҳарнинг жанубий қисмида йирик диний марказлардан бири барпо этилиб, у сайёҳларнинг пири Ҳазрати Хизр масжиди ва Қусам ибн Аббос мақбара-сағанасини бирлаштирарди.

Самарқанднинг жанубий қисмида Кушон дарвозаси яқинида қурилган Ҳазрати Хизр масжиди манбаларда шаҳарнинг энг дастлабки масжиди, яъни “мусулмон байроқлари сақланадиган жой” деб аталади.

Мозор VII асрнинг 70-йилларида Суғдга арабларнинг дастлабки юришлар ва бу ерда Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси, илк исломнинг тарғиботчиларидан бирининг ҳалок бўлиши билан боғланиб, мозор Шоҳи Зинда – “Тирик шоҳ” номи билан аталган.

Бугунги кунда Шоҳизинда мажмуаси бир қанча ҳашаматли меъморий ёдгорликлар, Амир Темури ва унинг набираси Улуғбек ҳукмронлиги даври мақбараларини ўз ичига олган.

Мажмуанинг номи ғаройиб воқеа билан боғланган: намоз ўқиётган пайтда кофирлар қатл қилган шоҳ гўёки ўлмай, пастга – муқаддас қудукка тушиб кетган ва муқаддас боғда ҳамон яшайди. XI асрда Ҳазрати Хизр масжиди қайта қурилган ва муқаддас шахиднинг қутлуғ мақбараси билан туташтирилган. Қабристоннинг қорахонийлар даври ёзма манбаларида сақланиб қолган “машад” номи у қабрнинг ўзи эмас, балки бу ерда эътиқод учун ҳалок бўлган азиз-авлиёга атаб қурилган ёдгорлик даҳмаси бўлиши мумкинлигидан дарак беради.

Археологик тадқиқотлар натижасида бу ерда XI асрнинг ажойиб меъморий ёдгорлиги қолдиқлари топилган бўлиб, у ўзининг бежирим ўйма сопол беаги билан ажралиб туради. Унга яқин жойда XI–XII асрдаги мадраса қолдиқлари ҳамда қорахоний зодагонлари ва рухонийларининг бир қанча мақбаралари топилди. Бу ҳол Шоҳи Зинда сағанасининг ўрта асрлар қорахонийлар давридаги Самарқандда катта шухрат топганидан далолат беради.

IX–XII асрларда Самарқанд Шарқ маданиятининг йирик марказларидан бирига айланди. Бу даврда Эрон, Ироқ, Хуросондаги йирик шаҳарлари билан маданий алоқалар жадал ривожланди. Суғд зодагонлари Аббосий халифаларининг энг обрўли аъёнларидан, турк қўшинлари эса унинг таянчи бўлиб қолди.

Халифалик таркибида турли динлар орасида ислом дини мустақкам ўрин эгаллади. Бу дин ғоялари шаҳарликларнинг ҳам, кишлок аҳлининг ҳам, кўчманчи аҳолининг ҳам орасига кириб борди. Самарқанд илоҳиётчи шайхлари ва диний уламоларининг обрўси ортди. Улар орасида Шарқда ҳадисларни тўплаш бўйича энг машҳур бўлган, Куръондан кейин турувчи кўп жилдли “Ас-Саҳиҳ” китобининг муаллифи имом Исмоил ал-Бухорий; калом илмининг асосчиси, “Ҳидоя”, “Имом ал-мутакаллимин” (“Ҳидоят йўли имоми”, “Мутакаллимлар имоми”) номлари билан улуғланган шайх Абу Мансур Мотуридий, тарихчилар – Муҳаммад ал-Насафий, ас-Самарқандий, ас-Сомоний, шоирлар – Ҳурайим Суғдий, Абу Ҳафс Суғдий, Абу Саид Самарқандий, Баҳоуддин Каримий ва бошқалар бор эди. 960–970 йиллар орасида Самарқандга келган тарихчи Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, шаҳар – “Мовароуннаҳр нозик таъб одамлари йиғилган жой бўлиб, уларнинг энг яхшилари Самарқандда тарбияланганлар”.

Самарқанднинг жанубий работида улуғ зотларга мўлжалланган дахма бунёд бўлгани ҳам бежиз эмасди. Бу ерга Шарқнинг юзлаб олимлари, 1141 йилда мусулмон қадамжосини Мовароуннаҳрга бостириб кирган қорахитойлардан ҳимоя қилган минглаб шахид жангчилар дафн этилган. Бунни Чокардиза қабртошларидаги ёзувлар ҳам тасдиқлайди. Ўша давр олимлари ва жангчилари кимки, Самарқандда дафн этилса, ўша куни жаннатга киради, деб ҳисоблаганлар.

XIII аср бошларига келиб шаҳар Хоразмшоҳлар давлати таркибига кирди. Курилишлар ва ҳунармандчилик янгидан ривожланиш босқичига кирди. Самарқанд меъморчилигида рангдор ва ложувард безаклар қўлланила бошлади. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг буйруғига биноан, шаҳар деворлари мустаҳкамланиб, жомеъ масжиди қайта қурилди, қалъа-кўрғонда қаср бунёд этилди.

Бу даврдаги савдо алоқалари ҳақида Хитой чинниси ва Сурия шишаси, Хоразм ҳарбий аслаҳа-анжомлари ва олтин идишлари даълолат беради.

Бироқ бунёдкорлик жараёни даҳшатли фожиа туфайли тўхтаб қолди. 1220 йилнинг март ойида бу ерга Чингизхоннинг катта қўшини бостириб келди. Шаҳарда турган кўп сонли қўшин душманга қаршилиқ қила олиши мумкин эди. Аммо шаҳарга сув бериб турган кўрғошин нов шаклидаги сув ўтказгични мўғуллар бузиб ташлади. Тўрт кунлик қаҳрамонона кураш шаҳарни топшириш билан тугади. Ўша давр тарихчиси Рашиддин: “Минглаб мард эркаклар ва аскарлар шаҳардаги жомеъ масжидига яшириниб курашни давом эттирдилар. Мўғуллар масжидга ёниб турган ўқ-ёйлар отиб, уни ҳимоячилари билан бирга ёндириб юбордилар”, деб ёзган эди. Шаҳар таланди, ёндирилди ва вайрон этилди. Ноёб Жўйи-арзиз қувури бузиб ташланиб, шахристон (шаҳар ичкараси)га сув бериш тўхтаб қолди. Афросиёбдаги ҳаёт сўнди ва кейин қайта тикланмади. Шаҳар атрофи – работдагина давом этди, аммо унинг истехкоми 150 йил хароба бўлиб ётди. Халқ босқинчилар билан мардона жанг қилди. Мангубердиннинг Хоразм, Самарқанд ва мамлакатнинг бошқа шаҳарлари учун курашда кўрсатган жасорати зое кетмади. Мўғул зодагонларининг ўзаро низолари давом этган пайтда Самарқанд қалъа деворларидан маҳрум этилди ва кўчман-

чи қабилаларнинг босқинларига бир неча бор дучор бўлди. Аммо шаҳар аҳолиси босқинчиларга қарши қўзғолонлар кўтариб турди. 1365 йил сарбадорлар бошчилигида шаҳарнинг душмандан ҳимоя қилиниши бунга яққол мисол бўлади. Шаҳарликлар бузиб юборилган истехкомлар ўрнидаги кўчаларда тўсиқ ва тузоқлар қуриб, шаҳарга ҳужум қилган мўғулларни тор-мор этдилар. Бу ғалабадан сўнг кейинги тикланишгача яна бир фурсат вақт қолган эди.

Қудратли давлат пойтахти

Шаҳар ҳаётининг янгидан, ажойиб тарзда гуллаб-яшнаши Амир Темур фаолияти билан боғлиқ. Амир Темур тарқоқ мулкларни бирлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. 1370 йилдан бошлаб 35 йил мобайнида Шарқдаги энг қудратли давлатни барпо этди. Бу давлат Ўрта Осиё ва Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Кавказни ўз ичига олган эди. Даврининг ажойиб саркардаси бўлган Амир Темур ўз армиясини кўп хилма-хил ҳужум қуроллари, жумладан, ўк отар қурооллар билан жиҳозлади. Жангни олиб бориш ҳамда шаҳарларни қамал қилишда кўшинни уюштириш ишига янгилик киритиб, натижада доимий ғалабаларга эришди. Унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги сиёсати янги ерларни ўзлаштириш, чўлларни суғориш ва савдо-сотикни ривожлантиришга имкон берди. Мамлакатни бирлаштиришга ва тиклашга эришган Амир Темур халқнинг турмуш тарзини давлат фаровонлиги билан бевосита боғлади. “Меҳнаткаш халқни хароб қилиш давлат ғазнаси камайиб кетишига олиб келади. Бу кўшиннинг бебошлигига сабаб бўлади, у ўз навбатида ҳокимият заифлашишига олиб келади”, – дейилган эди унинг “Тузуқлари”даги солиқларни йиғиш тартиби тўғрисидаги масалада. Янги ерларни ўзлаштиришда солиқ имтиёзлари берилиши деҳқончиликни ривожлантиришни рағбатлантирди.

Амир Темур ўз давлатининг пойтахтига жуда катта эътибор берди. Самарқанд бу вақтда минорали мудофаа деворлари билан қайта ўралиб, минораларга баланд найзали панжаралар ўрнатилди. Девор ичкарасидаги майдон ва кўчалар ободонлаштирилиб, ариқ ва ҳовузлар қазилди. Атроф кўкаламзорлаштирилиб, бир-

бири билан уйғунлашган меъморий ечимлар вужудга келтирилди. Янги маҳобатли обидалар бунёд этилди. Регистон йирик жамоат ва савдо маркази бўлиб қолди. Темур ва Улуғбек даврида бу майдон ҳозирдагига қараганда бошқача кўринишда эди. Унинг шимолий қисмида Мирзойи қарвонсаройи қад кўтарганди. Ҳозирги Шердор мадрасаси ўрнида бош кийимлар сотиладиган савдо расталари бўлиб, у Амир Темурнинг хотини Туманоғобегим кўрсатмаси бўйича қурилган эди. Улуғбек майдоннинг ғарб томонига гўзал мадраса бунёд этди. Мадраса улкан меъморий мажмуа бўлиб, очик равоқ ва олд эшик томони манзарали ташқи кўринишга эга. Бундан ташқари у Туманоғобегим растаси ўрнида ўз мадрасасига улкан гумбазли, бой сирланган декорли гўзал хонақоҳ ҳам қурдирди. Улуғбек мадрасасининг жануб томонида вазир Алиқа Кўкалдош салобатли масжид бунёд этди. Мирзо Бобирнинг ёзишича, бу масжид ёғочдан хотамқори услубида ўзига хос тарзда безатилган, шунинг учун у Масжиди Муқатта номини олган эди.

Шаҳар архитектурасида Бибиҳоним масжидининг улуғвор мажмуаси асосий ўрин эгаллайди. У Темурнинг буйруғи билан 1399–1404 йилларда, соҳибқироннинг жанговар шуҳрати чўққига чиққан бир пайтда қурдирилганди.

Темурнинг ғояси бўйича мажмуа тенгсиз бўлиши керак эди. Ривоятларга кўра, уни Амир Темурнинг хотини эрига улуғвор иншоот сифатида қуриб совға қилишга аҳд қилган. Иншоотни бунёд этишда турли мамлакатларнинг меъморлари қатнашган. Қурилишда ҳатто, Ҳиндистонга юриш вақтида олиб келинган филлардан ҳам фойдаланилган. Ансамбль маҳобатли кўринишни олган, лекин Хитойга юриш қилиш учун кетган соҳибқирон унинг тугал қиёфасини кўрмаган.

Бибиҳоним масжиди яқинида, шаҳарнинг шимолий чеккасида, “дурдоналар маржони” – Шоҳизинда дахмаси атрофида темурийлар оиласи мақбараларининг қатори жойлашган.

Жануби-ғарбий қисмида Кўксарой ва Бўстонсарой номлари билан аталган икки қасрли қалъа барпо этилган. Қалъа ғазна ва қурул-яроғ сақланадиган жой бўлган. Бу ердаги етакчи қорхоналарда қурул ва аслаҳа-анжомлар тайёрловчи усталар ишлашган. Шу ернинг ўзида Чингизхон наслидан тайин этиладиган хонларнинг қароргоҳи бў-

либ, бу Амир Темури ҳокимияти қонунийлигини тасдиқлашга хизмат қиларди.

Амир Темури пойтахт-шаҳарнинг ривожланишида хунармандчилик ва савдонинг муҳим аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда юришларидан энг яхши усталарни олиб келарди. Испания элчиси Рюи Гонзалес Клавихо шундай деган эди: “Самарқанднинг бойлиги унинг озиқ-овқатларидагина эмас, шу билан бирга, бу ерда кўплаб тайёрланадиган шойи газмоллари, атлас, тафта, мўйна ва ипак астарлар, упа-эликлар, ширинликлар, бўёқлар, тилла буюмлар, сирланган идишлар ва бошқа нарсаларида ҳамдир... Шох (Темури) бу шаҳарни улуғлашни шу қадар истардики, қайси бир мамлакатни эгалламасин ва бўйсундирмасин, ҳамма жойдан одамларни шаҳар ва унинг атрофидаги ерларда туриши учун олиб келарди; у, айниқса, ҳар хил хунарманд усталарни йиғишга ҳаракат қиларди. У Дамашқдан камон, ўқ-ёй ва бошқа қуроллар ясовчи, шиша ва лойдан буюмлар тайёрловчи ҳар хил усталарни келтирди, ваҳоланки, дунёдаги энг яхши хунармандлар шу ернинг ўзида ҳам бор эди. У Туркиядан моҳир ўқчи ва хунармандлар: тоштарошлар, заргарларни олиб келди... бундан ташқари, у муҳандислар ва тўпчи аскарларни, шунингдек, уловга арқон ясовчиларни ҳам келтирди...”

Самарқанд хунармандлари ҳақида гап кетганда торевтика – металлга бадий ишлов бериш санъати, нафис идишлар, олтин, кумуш, кўпинча – ялтироқ жездан заргарлик буюмлари тайёрловчилар ҳақида тўхталмаслик мумкин эмас. Бу маҳсулотлар Самарқандга четдан келтирилган деб ҳисобланарди. Чунончи, 1969 йил Мовароуннахрнинг энг қадимги маркази Самарқанднинг 2500 йиллик юбилеи доирасида ўтказилган халқаро симпозиумда кўпгина етакчи санъатшунос олимлар Самарқандда ўзининг торевтикаси бўлмаган, мавжуд бадий юксак маҳсулотнинг ҳаммаси, шу жумладан, нозик бой қадама нақшли ялтироқ жездан ишланган идишлар бу ерга четдан, Эрон марказларидан келтирилган деб ҳисоблашган.

Бироқ Ўзбекистон маданияти тарихи музейини куриш вақтида археологлар назорат қазилма ишларини олиб бориб, Регистоннинг маданий қатламларидан нодир материаллар топишди, бу олимларнинг юқоридаги баҳсига ойдинлик киритди. Маданий қатламларнинг 8 метрлик қатлами остида археологлар ўрта аср торевт устaxonаси

қолдиқларига дуч келдилар. Булар металл эритиш ва қуйишда ишлатиладиган мис ва кумуш-қўрғошиннинг котиб қолган доғлари бўлган металлсозлар ўчоғи, асбоблар – турли шаклдаги қисқичлар, сандонлар, нодир металлларни тортадиган тарозилар, ноксимон қўринишдаги бўйни ингичка қўрғошин ва сопол идишчалар – симоб ва симоб рудаси сақланадиган симоб кўзача, торевт қолипи ва тайёр маҳсулоти, эритилган деталлар, йиғилган, лекин ҳали безатилмаган буюмлар ва бошқа кўп ашёлар эди. Булар бадий ишлов берилган металл бевосита Самарқанднинг ўзида тайёрланганлигини исботлайди.

Тайёр маҳсулотлар орасида ялтироқ жездан ясалган нафис буюмлар бор. Бежирим ўйиб ишланган жимжимадор қопқоқча эътиборни тортади, унга кумуш ва олтин қадаб нақш солинган. Унинг ўртасига ёш йигитнинг шоҳона қомати зарҳал доира ичига ўйиб туширилган, у туркча-мўғулча кийимда, тахтда безаниб ўтирибди. Шоҳларнинг тахтда ўтирган ҳолдаги тасвири, энг сара аскарларнинг тўла қуролланган ҳолдаги қўриниши, боши аёл, танаси қуш қиёфасидаги сув париларини эслатувчи афсонавий жонзотлар – булар суғд торевтикаси белгилари бўлиб, илк ўрта асрлар давридан маълумдир. Торевт устахонасида, шунингдек, қилдек ингичка кумуш безак қопланган нафис қошиқча, медальонлар билан безатилган чиройли чўмич, олтин, кумуш қадама нақшлари билан безатилган жуда кўплаб кўзалар ҳам топилди. Улардан бирида ити билан ов қилаётган чавандоз тасвирланган. Тасвир атрофидаги яхши ният билдирилган битиклар олтин ва кумушга ёзилиб, тепа қисмида аёллар боши ёки қуш думлари тасвирланган. Айрим қолипларда буюртмачи номи ҳам битилганлиги кўзга ташланади. У билан ёнма-ён ерда Амир Темур тасвири илк зарб қилинган (1370 йил) кичкина кумуш тангача топилди. Бу маҳсулотлардан ташқари темурийлар даврининг рўзгор сопол идишларининг парчалари ҳам учрайди.

Амир Темур савдо-иқтисодий муносабатларни жадал ривожлантириш мақсадида ўзи доимий дипломатик ёзишмалар олиб бориб, турли мамлакатларнинг раҳбарларига яхши ният билан савдо ишларини йўлга қўйишни таклиф этган. У савдо йўлларини обод қилиш ва қўриқлаш тўғрисида қайғурадди. Амир Темур халқаро ипак йўли ўтган жойларни эгаллаб, у ерларда ободончилик тад-

бирларини, карвонларнинг бехатар ҳаракатлишини таъминлаш чораларини кўрди. Карвонсаройлар ва бозорлар қурилишига катта эътибор берди. Клавихо Самарқанд марказий бозорининг қайта қурилиши тўғрисида ҳаяжон билан ҳикоя қилиб берган; бу ерда Темурга хос шижоат билан кўпдан-кўп гумбазлар, расталар, савдо кўчалари бунёд қилинди. Ҳаммаёкнинг кўкаламзорлигидан ҳайратга тушган Клавихо 1403 йил шундай деб ёзганди: “Бутун шаҳар боғ ва узумзорлар оғушида. Боғ ва узумзорлар бу ерда шунчалик кўпки, шаҳарга яқинлашаётганинда баланд дарахтлар ўрмонини ва улар ўртасидаги шаҳарни кўрасан...” Бу шаҳар боғу оромгоҳлар билан безанган давр эди. Шаҳар ва унинг атрофида соҳибқирон 14та боғ – айвонли чорбоғлар, гулзор қилинган ва сув ҳавзалари бўлган саройлар бунёд эттирди. Авлодлари Амир Темур йўлидан борди. Шаҳарга шимоли-шарқ томондан туташ бўлган Чўпонота тепалиги ёнбағирларида Улуғбекнинг мўъжаз боғи яратилди, унинг машҳур “Чиннихона” деб аталмиш хонаси ҳам бор эди.

Амир Темур ғояси бўйича Самарқанд дунёнинг энг йирик шаҳри бўлиб қолиши керак эди. Шаҳар атрофида Шарқ мамлакатлари пойтахтлари номида Димишк – Дамашк, Бағдод, Фориш, Миср ва шу каби махсус қишлоқлар бунёд этилгани бежиз эмас. Соҳибқирон ниятига эришди ҳам! Самарқанд Шарқ иқтисодиёти ва маданиятининг етакчи маркази бўлиб қолди. Бу ерга энг яхши меъморлар ва қурувчилар, заргарлар ва металлсозлар тўпланади, олимлар, рассомлар, шоирлар, воизлар, раққос ва мусикачилар кела бошлади. Европа ва Шарқ давлатларидан элчилар ташриф буюрди. Мовароуннахрнинг ўзига хос бетакрор маданияти асосида Самарқанд Яқин ва Ўрта Шарқ ижодий кучларининг асосий марказига айлангани сайин бадий тафаккур, меъморчилик ва санъатнинг гуркираб ўсиши юз берди, бу Шарқ уйғониши даври сифатида тарихга кирди.

“Кўзи олдинда бўлди осмон паст”

Амир Темур ўлгандан сўнг салтанатнинг бир қисмини унинг набираси Мирзо Улуғбек бошқарди. У ҳақида Навоий “Хамса”асарида шундай ёзган эди:

*Темурхон наслидин Мирзо Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек.
Ки давр аҳли биридин айламас ёд,
Анинг обнойи жинси бўлди барбод.
Валек ул илми сари топди чун даст,
Кўзи олдинда бўлди осмон наст.*

Улуғбек ўзининг жаҳоншумул кашфиётларини айна Самарқандда амалга оширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Мирзо Улуғбекдек тенгсиз олимнинг ўрта асрлар шароитида қилган илмий жасорати ҳозирги замон олимларини ҳамон ҳайратлантиради. Улуғбек минглаб юлдузларни кузатди, самовий гумбазнинг мукамал харитасини ва мукамал астрономик жадвалларни тузди, улар аниқлиги жиҳатдан ҳозирги жадваллардан деярли фарқ қилмайди”.

“Зижи жадиди Кўрагоний” (“Кўрагоний янги астрономик жадвали”) деб аталган астрономик жадвал ўрта асрларда лотин тилига таржима қилинганлиги ва Европа олимлари ўртасида кенг тарқалганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Бобосининг анъаналарини давом эттирган Мирзо Улуғбек ўз теварагига шоирлар ва мусиқачилар, рассомлар ва олимларни йиғди. Унинг даврида Самарқанд илмий ва ижодий ҳаёт марказига айланди. Унинг Самарқанддаги мадрасасида диний фанлардан ташқари астрономия ва математика ҳам ўқитиларди. Шарқ астрономик мактабида Улуғбекдан ташқари Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Жамшид, Муҳаммад Хоразмий ва Али Қушчи фаолият юритган.

Олимлар обсерваторияда машғулотларни олиб бориш билан бирга юлдузлар ҳаракатини кузатишарди; бу кузатишлар натижасида юқорида эслатилган Мирзо Улуғбекнинг машҳур “Зижи жадиди Кўрагоний” астрономик жадвали тузилган эди. Унинг астрономия соҳасидаги ишлари ўта аниқлиги билан ажралиб турарди, бу фанга катта ҳисса бўлиб қўшилди. Самарқанд расадхонасида Улуғбек томонидан аниқланган маълумотларда XIX асрда Россия астрономи В.Я. Струве, бизнинг давримизда эса академик В.П. Шчеглов томонидан текширилганда ниҳоятда оз тафовут борлиги аниқланган.

Мирзо Улуғбек расадхонасининг кузатишлари ва ҳисоб-китоблари, ҳозирги олимларнинг тадқиқотларига кўра, кўп ҳолларда ўта аниқ бўлган. Буни телескоп ихтиро қилингунча астрономия фани эришган ютуқларнинг энг чўққиси дейиш мумкин. Мирзо Улуғбек асарлари ва унинг кашфиётлари жаҳон фанига кўшилган улкан ва муносиб ҳисса эди.

Бу даврда Самарқандда тарихчилар – Мирхонд, Хондамир, Ҳофизи Аbru, машҳур табиб Мавлоно Нафис, файласуф Фазлуллоҳ Абулайс, лирик шоирлар – Сирожиддин Самарқандий, Хаёлий, Бухорий, Дурбек кабилар фаолият олиб борди. Бу ерда Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий сингари улуғ шоирларнинг ижоди камол топди.

Мирзо Улуғбек ўзининг пойтахти Самарқандни обод қилишга катта эътибор бериб, бу ерда бобоси Амир Темурдан қолган ҳамма нарсаларни сақлаб қолиш ва шаҳарни янада раванқ топтиришга ҳаракат қилди.

Академик Я.Ғуломов таъкидлаганидек, Самарқанддаги Регистон Мирзо Улуғбек томонидан бирмунча бошқача, Темур давридагидан ҳам, ҳозирги даврдагидан ҳам фаркланувчи режа билан бунёд этилган. Мирзо Улуғбекнинг шаҳар атрофидаги Чилустун ва Боғимайдондаги Чиннихона боғлари ғоят гўзаллиги ва ўзига хос меъморий беага билан замондошларини лол қолдирган. Обираҳмат бўйидаги Толли Расад тепалигидаги расадхонаси, айниқса, диққатга сазовордир. Расадхона тўққиз йил давомида қурилган (1420 йили бошланган) ва цилиндр шаклидаги уч қаватли бино бўлган. Бизнинг кунларгача иншоотнинг ер ости қисмигина сақланиб қолган (1908 йил В. Вяткин аниқлаган ва очган). Улуғбек, бундан ташқари, Бухоро ва Ғиждувонда мадраса, Шаҳрисабзда Кўкғумбаз масжидини қурдирган.

Самарқанднинг улуғвор киёфаси шаклланишида Шарқ уйғониш даври меъморчилигининг асосий йўналишларини бирлаштирган меъморлар катта ҳисса кўшишди. Улар фаолиятининг самараси ўлароқ Самарқанднинг дунёвий ва диний мажмуалари – масжидлар, мадраса ва хонақоҳлар, макбаралар, кўркам саройлар бунёд бўлди.

Ўрта асрнинг йирик мусулмон илоҳиётчиси Хўжа Аҳрор фаолияти ҳам Темурийлар даври билан боғлангандир. Тошкент вилоятида туғилган Хўжа Аҳрор Самарқандда фаолият олиб борди. У сиёсий

ишлар билан биргаликда Ўрта Осиёда нақшбандия тарикатининг раҳнамоси сифатида танилди. Самарқандлик темурий султонлар уни пир тутиб, мурид бўлишди. Унинг томонидан масжид, хонақоҳ қурдирилди. Ҳозирда Хўжа Аҳрор даҳмаси шаҳарнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган.

Амир Темур ва Мирзо Улуғбек туфайли бошланган маданият ва фандаги уйғониш даври ҳамма замонларда ўз таъсирини кўрсатиб турди. Ижтимоий фанлар – археология, тарих, санъатшунослик, табиий фанлар – биология, география, Самарқанд заминининг сирларини очишга имкон берган техника фанлари айти шу ерда раванк топди. Бу ерда гўзал меъморий обидалар муҳитида халқнинг бетакрор маданияти ривожланмоқда. Улуғ аждодларининг муносиб ворислари бўлган олимлар, талабалар, тадбиркорлар, давлат арбоблари ва хизматчилар самарали меҳнат қилмоқда. Самарқанд савдо-тижорат марказларидан бири бўлиб қолмоқда. Айти вақтда бу шаҳар жаҳон сайёҳларининг “Ипак йўли”даги асосий зиёратгоҳларидан биридир.

Тараққиёт давом этмоқда

XV аср охирида Темурийлар давлатининг парчаланиши мамлакатни сиёсий таназзулга олиб келди, натижада темурийлар ўртасида Самарқанд тахтини эгаллаш учун қаттиқ кураш кучайиб кетди. Бу кураш бир неча йил давом этиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Заифлашган давлат ташқи кучларнинг босқинчилик сиёсатида бардош беролмади. 1500 йил Муҳаммад Шайбоний бошчилигидаги Дашти қипчоқ кўшинлари Самарқандни эгаллади. Темурийлар ўрнига келган янги шайбонийлар сулоласи мамлакатни қиска муддатли танаффус билан XVI аср охиригача бошқарди. Асрнинг дастлабки қарийб икки ўн йиллиги ва кейинги йиллар давомида Бухоро, Тошкент ва Балх билан бир қаторда Самарқанд навбатма-навбат, гоҳида эса бир вақтнинг ўзида пойтахт шаҳар ҳукукига эга бўлиб, Шайбонийлар давлатининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб, қизгин ички ва ташқи савдо маркази бўлиб турди. Убайдуллаҳон даврида пой-

тахт Бухорога кўчирилди, Самарқанд эса Бухоро хонлиги таркибига кирди. Убайдуллахон (1533–1540) ва Абдуллахон II (1557–1598) бошқаруви даври мамлакатда сиёсий парокандаликка барҳам бериш, марказлашган давлатни тиклаш ва мустаҳкамлашга интилиш бўлганлиги билан ажралиб туради.

Чунончи, XVI аср бошида кичик мулкларнинг бирлаштирилиши ва марказий ҳокимиятнинг бирмунча мустаҳкамланиши хўжалик ҳаётининг сезиларли даражада юксалишига, савдо ва хунармандчиликнинг кенгайиши ҳамда ривожланишига, Самарқанд хунармандлари маҳсулотлари истеъмолчиларининг кўпайишига олиб келди.

Тарихчи ва шоирлар XVI асрдаги Самарқандни одамлар гавжум, бозорлари, карвонсаройлар, савдо расталари ва хунармандчилик устахоналари кўп обод шаҳар сифатида тасвирлайдилар. Шарқнинг жуда кўп шаҳарларини кўрган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз эсдаликларида ўша даврдаги Самарқанд ҳақида завқланган ҳолда шундай фикр билдирган: “Самарқанд ниҳоятда обод шаҳар. Бу шаҳарнинг бошқа шаҳарларда камдан-кам учрайдиган ўзига хос бир жиҳати бор: ҳар қайси хунар соҳаси учун алоҳида бозор ажратилган. улар бир-бири билан аралашиб кетмайди. Бу ажойиб одатдир”. Умуман, Самарқанд ҳақидаги хужжатларда ўша даврда 60 турдаги хунар бўлганлиги эслатилади.

Самарқанддаги бозорларнинг жойлашиши асосан XV асрда қандай бўлса шундайлигича қолган. Ўша давр ўндан ортиқ катта ва кичик бозор ҳамда савдо расталари (уларнинг айримлари усти ёпик бўлган) бўлиб, муайян моллар билан савдо қилишга ихтисослаштирилган. Тўқимачилар, темирчилар, арқон сотувчилар, шамчилар, сават тўқувчилар, наMAT сотувчилар, ун ва сабзавот бозорлари, упа-элик ва бошқа расталар жойлашган атторлар бозори, турли хил моллар билан савдо қилувчи Бозори Хурдафурушон (унинг худудида симкашларнинг дўкони бўлганлиги эслатилади) ва бошқа соҳаларнинг ўз бозорлари бўлган.

Айрим бозорлар даҳалар, масжидларнинг, айрим шахзода ва аслзодаларнинг номлари билан аталган, масалан, Пули сафид бозори, Амирзода Муҳаммад Султон бозори, наMATчилар мачити бозори, Амирзода Муҳаммад Қосим, Хожа Муҳаммад Чоп бозорлари ва

бошқалар. Бу бозор ва савдо расталарида (масалан, мискарлар савдо растаси, пойабзал сотувчилар растаси ва хоказо) бирон-бир маҳсулот тури билан савдо қилувчи ёки ўша маҳсулотни тайёрлайдиган дўкон ва устахоналар жойлашган. Булар кулолчилик, боққоллик моллари, газмоллар, шамчироклар, заргарлик буюмлари бўлган. Бозорларда қоғоз, китоб харид қилиш мумкин эди. Шу ерда муковалайдиган дўкон ҳам бўлган. Турли ичимликлар, ширинликлар, гўшт дўконлари қатори жойлашган. Кўп сонли новвойхоналар тандирларида нон ёпилган. Оддий аҳоли бу нонларни хўл мева ва сабзавотлар билан тамадди қилиб кетаверган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ёзишича, XVI аср бошларида Самарқандда яхши новвойхона ва ошпазларнинг ошхоналари бор эди. Бозорларда ёки улар ёнида карвонсаройлар, сартарошхона, ҳаммомлар жойлашганди.

XVI асрда ҳунармандларнинг янада тор ихтисослашуви кузатилади. Ҳужжатларда Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида Самарқанд аҳолиси бир неча ўнлаб турли касб-кор билан шуғулланган. Бундай касб-корлар орасида газмоллар, сопол идишлар тайёрлаш ва уларни бўйаш, чўян эритиш, тери ошлаш, қоғоз, турли кийим-бошлар, қуроллар ва жиҳозлар тайёрлашни айтиш мумкин. Айрим ҳунарлар алоҳида, бирмунча майда тармоқларга бўлиниб кетган. Чунончи, тўқувчилик билан шуғулланган усталар ишланадиган газмол турига қараб бахмалбофон, кимхобгарон, футабофон, чаҳоргулбофон каби касбларга бўлинган. Толага ишлов беришда, шунингдек, пахтадан тўқилган газмолга гул босувчилар – читгарон, газмолларни бўёқловчилар – бўёқчилар банд бўлганлар. Кийим-бош ва унинг бўлақларини тайёрлаш мутахассислари ҳам турлича эди: чопон тикувчилар – жомадузон, бичиқчилар – дарзиён, телпакчилар – тақиядузон, жияк ва гажим тикувчилар – папакдузон, пўстин тикувчилар – пўстиндузон, қимматбаҳо мўйна кийимлар тайёрловчилар – мўйдузонлар бор эди (Самарқанд худудидаги пўстин сотувчилар – пўстинфурушон мачити эслатилади). XVI аср тарихчиси Фазлулло ибн Рузбехон кундуз, олмахон ва бошқа хил пўстинлар, шунингдек, кўпдан-кўп безаклар солинган шойи кийимлар (уларни ўзбек султонлари кийишган)ни санаб ўтади.

“Шайбонийнома” дostonида сарой шоири Муҳаммад Солиҳ оксичқон ва олмахон мўйнасидан тикилган пўстин кийган хон атрофидаги аъёнларни тасвирлаган.

XI асрда қурилиш касблари раvнақ топди. Қурилиш билан шуғулланган усталар қандай ишни бажаришига қараб тор мутахасисликларга ажратилади: меъмор, муҳандис, нажжор, харрот, шонатарош, сангтарош. “Теша билан иш қилувчилар” ёрликлардан бирида кайд этилганидек, теша билан ишлайдиган иморатсоз ва дурадгорлар катта усталарнинг айтганини бажаришлари зарур эди.

Бу даврда самарқандлик усталар – қоғозгарлар сиёҳ ёйилиб кетмайдиган, силлик, пишиқ қоғоз тайёрлардилар. Самарқанд қоғозига ёзилган жуда кўп қўлёзма асарлар бизгача етиб келган. Улар орасида Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома”, Фазлуллоҳ ибн Рузбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарлари, Меҳр Султон хонимнинг ҳады қилинган ёрлиғи ва бошқа қўлёзма нусхалар бор. Афғонистон ва Ҳиндистонни яхши билган, Ҳирот атрофларида бўлиб, у ерлардаги қоғоз тайёрлаш устахоналарини кўрган Заҳириддин Муҳаммад Бобур: “Дунёда энг яхши қоғоз Самарқандда тайёрланади”, – деб ёзган эди.

Машҳур хаттот Султонали Машҳадий (1432–1520йиллар) хаттотликка оид махсус рисоласида (1514 й.) Самарқанд қоғозида ёзишни маслаҳат беради, чунки “бу қоғозда ёзув текис ва чиройли чиқади”. “Самарқанд қоғози хўп яхши-да! – дерди у. – Аклинг бўлса, уни олишдан бош тортма”. Султоналининг кейинги ёзганларидан хулоса қилиш мумкинки, XVI асрда Самарқандда қоғознинг ҳар хил тури, шу жумладан, “султони” деб аталган тури тайёрланган. Бу тури юпка, юмшоқ, силлик бўлганлиги учун шойи қоғоз ҳам деб аталган.

Қоғоз тайёрловчи уста Мир Иброҳимнинг фаолияти XVI асрнинг биринчи ярмига тўғри келади, у оқ чамбар кўринишидаги сув қоғоздаги белгиси бор алоҳида қоғоз турини тайёрлар эди. “Мириброҳими” деб аталадиган бу қоғоз кейинги асрларда ҳам машҳур бўлган. Қоғоз Самарқанддан чекка юртларга, шу жумладан, кўшни Ҳиндистон ва Эронга ҳам олиб кетилган.

Самарқанд бир неча хил бўёқ ишлаб чиқариши билан ҳам шуҳрат қозонган. Бўёқчилик устахоналари бозорлар худудидаги бошқа устахоналар ва дўконлар ёнида жойлашган. Вақф хужжатларидан бирида Амирзода Муҳаммад Қосим бозорида учта ва Хожа Муҳаммад Чоп ва Дар маҳкамаи кўҳна бозорларида иккитадан бўёқ устахонала-

ри бўлганлиги эслатилади. Бу маълумотлар XVI асрда Самарқандда бўёкчилик қай даражада тараққий этганлигини кўрсатади.

Узумнинг сероблиги Ўрта Осиёнинг кўп жойларида май ва ша-роб тайёрлашнинг ривожланишига олиб келди. Ўз кўзи билан кўрган одамларнинг айтишича, Самарқанд боғ ва узумзорлар билан ўралган бўлиб, улар айрим жойларда бир неча чақиримга борарди. Мухаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асарида самарқандлик йирик заминдор шайхулислом Хожа Абдулматкарим хўжалигини тас-вирлайди. Хожанинг шаҳар атрофидаги боғларида экилган тоқлардан олинадиган ҳосилнинг ярмидан кўпи мусаллас қилинарди, ундан колганидан сирка ва душоб (узум шинниси) тайёрланарди. Шаҳар ҳудудида узум сақланадиган махсус бинолар бўлган.

Самарқанд қўшни шаҳарлар ва ён атрофдаги қишлоқ музофотларидан ташқари Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Қозон хонлиги, узок Шарқ мамлакатлари билан савдо-сотик қилган.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг Россия билан савдо ва дипломатик алоқалари кенгайди. Россиянинг Москва томонларидан Самарқанд ва бошқа шаҳарларга хом тери, мум, жун газмоллар, ёғоч идишлар, полотнодан қилинган газмоллар, Ҳиндистондан дока, парча, бир неча хил бўёқ ва дур, Афғонистон ва Эрондан шакарқамиш, кийимлик газмоллар, Хитойдан чинни, шойи газмоллар келтирилган.

Ўрта Осиё ўз навбатида бу мамлакатларга хилма-хил моллар етказиб берган. Кўрилаётган даврда Самарқанд ип газламаларнинг алоҳида хилларини, шойи газламаларнинг айрим турларини, қизил духоба ва шойи тўкиш саноатининг бошқа қимматбаҳо молларини тайёрлаш ва жўнатишга ихтисослашган бўлиб, асосан бойваччалар ва йирик савдогарлар эҳтиёжларини қондиришга ишлаган. Ички ва ташқи бозорларга Самарқанднинг қоғоз тайёрлайдиган корхонаси маҳсулоти етказиб берилган. Бу молларни ишлаб чиқариш катта техник мураккабликлар билан боғлиқ бўлиб, анча тажрибага эга ма-лакали усталар бўлишини талаб этарди.

Самарқандда жуда кўп моллар орасида, сайёҳлардан бирининг ёзишича, олтин ва кўм-кўк рангли бўёқлар бўлган, форс муаллифларнинг гувоҳлик беришича эса, “ўзбеклар юрти”дан Эронга ляпислазурь (ҳаворанг бўёқ) олиб кетилган. Бўёқлар Ўрта Осиёдан Рос-

сияга ҳам олиб борилган. Абдуллахон II нинг элчилари Москвага 40 пуд бўёк олиб боришгани манбаларда айтилган. Бўёкларнинг айрим хили транзит савдо буюми сифатида Ҳиндистондан Самарқанд ва Бухоро орқали жўнатилган.

Қуритилган мевалар, бодом, олма ва майиз Самарқанддан узоқларга олиб кетилган, бу хил маҳсулотлари билан шаҳар довруғ қозонган эди.

XVII асрда ҳам Самарқанд хунармандчилик ишлаб чиқариши ва савдо-сотиқнинг йирик маркази бўлиб турди. Ҳунармандчиликнинг тор ихтисослашиши давом этди. Айниқса, тўқимачилик саноати – ип газлама, турли хил ва кўринишдаги шойи газлама, дастурхон, парда, белбоғ ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривож топди. Кийим тикиш кенг тус олди.

Тўқимачиларнинг маҳсулоти юқори сифати билан ажралиб турар ва харидоргир бўларди. Самарқандда ранг-баранг товланувчи шойи ва чиройли гулли атлас, абр, олача, зандони, хом сурп, гул босилган газлама, канопдан тўкилган мато ва бошқалар тайёрланарди.

Бухоро билан савдо алоқалари ўрнатган рус савдогарлари хонликда (унга Самарқанд ҳам кирарди) хилма хил шойи ва ип газламалар тайёрланганлигини маълум қилганлар. Филипп Ефремовнинг кундаликларида таъкидланишича, “бу ерда пилла қурти бокилади, куртлар кўп ипак беради, ипакдан йўл-йўл ялтироқ гулли кимхоб, атлас, духоба, магремантлар, бошқа ҳар хил кимхоблар тўқишади”.

XVII аср манбаларида Самарқанд худудида зардўзлар даҳаси борлиги эслатилади. Усталар, шунингдек, гилам ва гилам буюмлари тўкиганлар.

Ёғоч буюмлар ишлаб чиқариш касби жуда ривожланган. Турли хил, айниқса, қаттиқ ёғочлардан кишлоқ хўжалигида ишлатиладиган асбоблар (омоч, паншаҳа, белкурак ва шу кабилар), рўзғор буюмлари, шиппак, чарх, эшик кулфлари, тўқувчилик дастгоҳлари, эгар, устун қоши, эшик, мебель ва бошқа асбоблар ясалган. Ҳунармандлар орасида, шунингдек, дурадгорлар, қурувчилар, девор урувчи усталар, бинокорлар ҳам бўлган.

Самарқанд уста заргарлар билан довруғ таратган. Улар кумуш ва мисдан, баъзан олтиндан аёлларнинг зеб-зийнатларини ясаганлар, уларга қимматбаҳо тошлар (ёқут ва лажувард) қўйганлар; гоҳида от эгар-жабдуғларини кумуш билан безатганлар.

Бир хил махсулот тайёрловчи хунармандлар цехларга бирлашишган. Цех аъзолари одатда шаҳарнинг битта даҳасида яшашган. Айрим даҳаларнинг номи буни тасдиқлайди. Самарқандда Заргарон (заргарлар), Сузангарон (нина ясовчи усталар), Чармгарон (кўнчилар), Харротон (ёғоч токарлари), Кулолонон (кўзачилар), Зингарон (от эгар-жабдуғи ясовчи усталар), Шарбатдорон (ширин ичимликлар тайёрловчилар) ва бошқа хунармандчилик даҳалари сақланиб қолган.

Кўриб чиқиладиган даврда Ўрта Осиёнинг бошқа мамлакатлар билан савдо алоқалари ривожланиб борди. Самарқанд савдогарлари ташқи савдода фаол қатнашдилар. Масалан, Бухородан Москвага 1557 йилда борган савдо элчилари таркибида Самарқанд шаҳри вакили Хожа Тўра ва бошқалар бор эди.

XVII асрда Ўрта Осиё билан Москва давлати ўртасидаги дипломатия ва савдо муносабатлари анча кенгайди. Бухоро хонлигининг ташқи алоқаларига оид кўпгина расмий ҳужжатларда Самарқанд кўп эса олинади. Масалан, Нодир Муҳаммадхон (1642–1645) шох Михаил Федоровичга (1643 йил март) юборган хатида ўзининг тахтга ўтирганлиги ва Москва давлати билан дўстона муносабатларни аввалгидек қўллаб-қувватлаш, савдо алоқаларини давом эттириш истагида эканлиги ва асирларни айирбошлаш ҳақида айтилган. Мақтубда Нодир Муҳаммадхон катта давлатнинг бошлиғи эканлиги, бу давлат таркибига Самарқанд ҳам кириши таъкидланади.

Самарқанд тарихида XVII асрнинг биринчи ярми ўзбекларнинг олчин уруғидан бўлган амир Ялангтўш бий Оталиқ Баҳодир фаолияти билан боғлангандир. Айни унинг бошқаруви даврида Регистонда Тиллақори ва Шердор мадрасалари қурилган эди.

XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг биринчи ярми мамлакат тарихи зодагонларнинг ўзаро қураши, марказий ҳокимиятнинг заифлашуви, кўчманчиларнинг босқинлари ва мамлакатнинг хонавайрон бўлиши билан характерланади. Самарқанд, айниқса, XVIII асрнинг 20-йилларида катта зарар кўрди, бу унинг тарихида, айниқса, оғир йиллар бўлди. Харобазорга айланиш давлари нисбатан жонланиш билан алмашилиб турди. Лекин улкан шаҳар, “жаҳон сайқали”, тобора таназзулга тушди. Ўз кўзи билан кўрган сайёҳларнинг далолат беришича, шундай вақтлар бўлдики, шаҳарда “...на эркак, на аёл,

дарбадар дарвеш-қаландар Шох Жугуздан бошқа ҳеч ким қолмади. Худо сийлаган масжидлар, муқаддас мадрасалар, худога ёққан муассасалар вайрон бўлмоқда...”.

XVIII аср 70-йилларининг охирида шаҳардаги вазият яхши томонга ўзгарди. Бухоро амири Шохмурод бошқаруви даврида (1785–1800) 24 та янги мавзегга асос солинди, шаҳардаги айрим меъморий обидалар таъмирланди. Самарқандда иқтисодий ва маданий ҳаёт қайта тиклана бошлади.

XVIII аср охирида Самарқанд бозорларига Россия, Хитой, Ҳиндистондан турли буюмлар кела бошлади. Ўз навбатида Самарқанд вилояти бу мамлакатларга қоғоз, олача чопон, кулолчилик буюмлари, қуруқ мевалар, қоракўл, отлар юборди.

XIX асрнинг биринчи ярмида ички ва ташқи савдонинг янада ўсиши юз берди. Шаҳарда қарвонсаройлар в дўконлар сони ортганлиги бундан далолат беради.

XIX аср бошида Григорий Спасский нашр этган “Азиатский вестник” газетасида “Буюк Бухоронинг энг янги тасвири” сарлавҳаси остидаги мақолада Шохмурод бошқаруви даврида “Мианқол қоғози бизга асосан четдан келтирилади, унинг Самарқанд қоғозига ўхшаш ўртача сифатлиси жойида 45 сўмдан 55 сўмгача, бу ерга (Оренбургга) олиб келиниб эса 80 сўм (пуди) атрофида сотилади. Сифати паст бўлган теандар ва мездевон қоғозлари эса жойида 40–45 сўм, бу ерда 60–70 сўм сотилади”, деб ёзилган.

Самарқанд айни вақтда ҳарбий қурул ишлаб чиқарувчи ихтисослашган марказ ҳам эди. Бу ерда XVI–XVIII асрлар ва XIX асрнинг биринчи ярмида пичок, ханжар, қилич ва бошқалар тайёрланган. XVI асрда Ўрта Осиё худудида ўк отиш қуроли: туфанг, фаранги ва тўплар (қозон) пайдо бўлди. Уларни тайёрлаш малакали дегрез усталар (рехтагарлар) бўлишини талаб қиларди. Бундай усталар айримларининг номлари бизгача етиб келган. Чунончи, Устод Қули деган одам ўша вақтда Ҳиндистон ҳукмдори бўлиб турган Захириддин Муҳаммад Бобур ҳукмронлиги давридаги тўпларни ҳам қуйган эди.

Самарқанд XIX аср ўрталарида 30 мингга яқин аҳоли яшаган Бухоро хонлигининг иккинчи муҳим савдо ва хунармандчилик маркази эди.

Фан ва маданиятни қадрлаш – тарихий анъана

XVI–XIX асрнинг биринчи ярмида Самарқанд аввалгидек йирик фан ва маданият маркази бўлиб қолди. Бу асрларда ижтимоий фанлар, тиббиёт, тасвирий санъат юксак даражага чиқди.

Шоир Восифий 1513 йил Самарқандда бўлган чоғида шундай деб ёзганди: “У (Кўчкунчихон) ўз бошқаруви даврида олимлар ва ўқимишли одамларни қадрлашни энг биринчи бурчи деб билди. Унинг подшолиги пайтида ҳамма мадраса, хонақоҳ, масжид ва ибодат жойлари янгиланди, қайта тикланди ва мустақамланди... Улуғбекнинг мадраса ва хонақоҳига... 10 мударрис тайинланди, улардан бири мавлоно Ашир калон эди. Шайбонийхон мадрасасида... 4 мударрис, шу жумладан, мавлоно Хўжаги тайинланганди”.

XVI–XVII асрларда Самарқандда йирик олимлар илмий фаолият олиб борди, уларнинг аксарияти ўз номига Самарқандий нисбасини қўшганди. Улар орасида Али Кушчининг шогирдлари – математик ва астрономлар Махмуд ибн Муҳаммад, Мирам Чалабий, мулло Абдулалли Назмуддин ибн Муҳаммад ибн Хусайн Биржандий; олим ва мусиқачи Амир Али Акбар Самарқандий, олим, шифокор-жарроҳ, шоир ва мусиқачи Боғи жарроҳ Самарқандий; олим ва шоир, миниатюрочи рассом Муҳаммад Дарвиш Самарқандий; “Дар баёни чаҳор дарё” ва “Ганжут Толибин” китобларини ёзган Сирожиддин Муҳаммад Самарқандийларни айтиб ўтиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси Самарқанд фани ва маданиятининг ривожланишига бебаҳо ҳисса қўшдилар. 1526 йил “Дастур-ал-илож” (даволаш учун қўлланма) асарини ёзган олим ва шифокор Султон Алининг, 1541 йил тиббий-фармакологик рисолалар рўйхатини тузиб, унинг ёнида доривор ўсимликларнинг чиройли ишланган рангли суратлари ва дориларни тайёрлайдиган ва сақлайдиган идишларни ҳам берган Муҳаммад Хусайн ибн Мирокий Самарқандийнинг номи Самарқанддан ташқарида ҳам маълум эди. XVII аср бошида йирик олим, математик ва астроном Муҳаммад ибн Иззудин Шайх Хусайн Абдусамад (1547–1622) Самарқандда бир оз вақт яшади. Халқнинг кўп асрлик зироатчилик тажрибаси умумлаштирилган унинг икки рисоласи деҳқончиликнинг юксак маданиятидан дало-

лат беради. Бу китобларда агротехниканинг турли масалаларига оид назарий қоидалар ва кузатишлар натижаси ўларок қимматли амалий маслаҳатлар бор.

XVIII–XIX асрнинг биринчи ярмида Самарқандда яшаб, ижод қилган қуйидаги олимларни кўрсатиш мумкин: Боғи Муҳаммад ибн Ҳафизёр Самарқандий (“Фолномаи Жафр” асарининг муаллифи), Мавлоно Турсун Фароизий Самарқандий; машхур тарихчилар: Мулла Шарафутдин Аълам ибн Нуриддин Охунд, мулла Фарход Самарқандий (“Тарихи касира” китобини ёзган), Муқимий Самарқандий; Амирсаид Шариф Роқимий Самарқандий (“Тарихи Роқими”ни ёзган). Зайниддин Муҳаммад Омон Садр-и Кошғарий 1781/82 йилларда Самарқандда ўзининг “Дурр-аж-жавохир” (“Қимматбаҳо марварид”) китобини ёзди, бу китоб жаҳон тарихига бағишланган. Тарихчи, шоир ва шифокор Абу Тохир ибн қози Абусаид Хожаи Самарқандий (XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг биринчи ярми) 1831 йил тарихий “Самария” китобини яратди. XVII аср биринчи ярмида яшаган бухоролик файласуф олим Юсуфий Қорабоғий (1645 йил Бухорода вафот этган) муайян муддат Самарқандда яшади, мунозараларда маърузалар билан қатнашди, кўплаб шогирдлар орттирди. Машхур шоир Малек Муҳаммад Баде ибн Муҳаммад Шариф Самарқандий ўзининг “Музоққир-ул-Асҳоб” (1692 й.) асарида мовароуннаҳрлик 200га яқин шоирнинг номларини келтиради, уларнинг аксарияти Самарқандда туғилиб ўсган ёки бу ерда ижод қилган.

XIX асрда Самарқанд шоирлари ўз ижодлари билангина шуҳрат қозониб қолмай, шу билан бирга, ўтмишдошларининг шеърый дурдоналарини сақлаб қолишга ҳам ҳисса қўшганлар. Чунончи, ўша даврда яшаган шоир Абдулла Жаббор Найман Самарқандий Абдуханифнинг “Алфиқхул акбар” китобини кўчирди, Абдулкаюм Самарқандий Сайфиддин Бохарзийнинг “Рубиёти шайхулола” асарини; Мир Абдулхай Самарқандий 1825 йилда Алишер Навоийнинг “Чор девон”ини, Муқимхон Самарқандий эса 1850 йилда “Хамса”ни кўчирди.

XVII аср хаттотлик санъати, китобларни безаш ва миниатюра-нинг юксалиши билан ажралиб туради. Миниатюра соҳасида ўтган асрдаги Бухоро – Самарқанд мактаби анъаналари давом эттирил-

ди. Самарқандлик миниатюрочи рассомлар, чиройли муковачилар нафақат Мовароуннаҳрда, балки шу билан бирга ундан ташқарида ҳам шуҳрат қозондилар. XVI–XVII аср миниатюрочилари бой бўёқлар, нозик расмлар, ҳаракатларни моҳирона кўрсата билиш, кўп фигурали композицияларни жойлаштириш санъатини эгаллаган эдилар.

Муҳаммад Мурод Самарқандий Самарқанднинг машҳур миниатюрочиси бўлган эди. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” дostonига ишланган 115та безак унинг ижодининг юксак намунаси. Китобни 1556 йил хаттот Ҳамадоний Хоразм мулкининг ҳукмдори Эшмуҳаммад учун кўчириб берган эди.

Ҳиндистонга Шоҳ Акбар (1556–1604) саройига самарқандлик рассомлар Муҳаммад Мурод ва Муҳаммад Нодир жўнатилганлиги ҳақида маълумотлар ҳам бор.

Муҳаммад Шариф Самарқандий 1616 йил Саъдийнинг “Бўстон” дostonига тўртта миниатюрадан биттасини ишлаб берган, Муҳаммад Дарвиш Самарқандий 1618 йил ўзининг “Достон Зибо-Зивар” китобини тўртта миниатюра билан безаган. 1628 йил Самарқандда Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари жуда катта ва қалин китоб шаклида тайёрланиб, унга еттита миниатюра ишланган.

Кўшиқлар, ҳикоялар, дostonларда оммавий халқ ижоди намоён бўлди. Халқ театр ижоди кенг ривожланган эди – икки хил театр бор эди. Улардан бири – кўчаларда томоша кўрсатиб юрувчилар (акробатлар ва жонглёрлар, дорбозлар, раққослар, кўзбўямачилар, айиқ ва серка ўргатувчилар) эди. Халқ театрининг энг ёрқин тури қизиқчилик – аския айтиш ҳисобланган. Тўй маросимлари ва байрамлар кўчаларда юрадиган мусиқачилар иштирокисиз ўтмаган. Мусиқачилар ва ашулачиларни ўз ичига олган халқ театри артистлари созандалар деб аталган гуруҳни ташкил этган.

Театр томошаларининг иккинчи тури кўғирчоқ театрлари эди, улар XVII аср охиридан бошлаб кенг ривож топди. Кўғирчоқ театрининг икки хили бўларди: қўлга кийиладиган кўғирчоқ ва чодир хаёл (ўйинчи кўғирчоқ). Бу театрларнинг артистлари ўз томошаларида адолатсиз қозилар, руҳонийлар ва маҳкама мулозимларини танқид қилишарди.

Муסיқа санъатининг обрўси баланд бўлган. Ажойиб ижрочи-созандалар, бастакорлар, муסיқа илми билимдонларининг ўнлаб номлари манбаларда тилга олинади. Муסיқа билан фақат профессионалларгина қизиқиб, шуғулланишган дейиш хатодир. Олимлар, шоирлар, рассомлар ва умуман, илмли одамларнинг ҳаммаси муסיқани кадрлашган, кўпинча ўзлари ҳам бирон асбобда муסיқа ижро этишган, кўшиқ яратишган ва ҳатто муסיқа назариясига оид китоблар ёзишган. Чунончи, тарихчи ва шоирлар Биноий, Ҳофиз Таниш, шоирлар Ҳасан Ансорий, хаттот Маҳмуд Исҳоқ, шифокор Мавлоно Ҳасан Самарқандий ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Мавлоно Кавкабий муסיқа бобида йирик назариятчи бўлган, у “ўн икки мақом” асосидаги муסיкий назарияга оид кўпгина рисоалар ёзган. Шунингдек, Хожа Муҳаммад ибн Абдулҳасан Самарқандий ва Дарвиш Али муסיқа назариясига оид китобларнинг муаллифларидир.

Самарқанд тақдири

Аввалги даврлардагидек, XIX асрнинг биринчи ярмида Самарқанд улугвор, мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралганди. Н.В. Ханиковнинг ёзишича, 1841 йилда Самарқанд миноралари ва олтита дарвозаси бўлган, туйнукли баланд пахса девор билан ўралган эди. Тунда шаҳарга кириш ва ундан чиқиш тақиқланган. Шаҳар деворининг айланаси 13,9 км, умумий майдони эса 10 кв.км бўлган. Самарқандда боғлар, ариқ ва ҳовузлар кўп эди, иккита карвонсарой ва учта ҳаммом бўлган. Қалъа шаҳарнинг ғарбий қисмига жойлашган, ташки девори 3,2 км узунликда бўлиб, иккита дарвозаси бўлган. Ичкарида усти берк айвонли қаср жойлашган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида юз берган воқеалар, умуман, Ўрта Осиё минтақаси сингари Самарқанднинг тақдирини Россия империясида юз бераётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар билан узоқ вақтга боғлади.

1868 йил баҳорида генерал фон Кауфман бошчилигидаги ҳарбий кўшин Самарқандни истило қилиш мақсадида Зарафшон водийсига қараб юриш бошлади. Ҳал қилувчи жанг шаҳарнинг шимолий чек-

касидаги Чўпонота тепалигида бўлиб ўтди. Амир Музаффарнинг кўшинларидан техник ва ҳарбий курулланиш жиҳатдан анча устун бўлган Россия империяси кўшинлари 1868 йилнинг 1 май куни Самарқандни амалда эгаллаган эдилар. Генерал Кауфман шаҳарда унча кўп сонли бўлмаган ҳарбий гарнизонни қолдириб, Бухоро кўшинларининг асосий қисмларини таъқиб қилиш учун Бухоро томон ҳаракатланди. Бу вақтда Самарқандда шаҳар ҳарбий-бюрократик маъмуриятининг сиёсатига қарши кўзғолон кўтарилди. Амир Музаффарнинг ўғли Абдулмалик тўра лашкарлари кўзғолончиларга ёрдам бериш учун шайланди, улар Ҳисор, Шаҳрисабз ва Қарши бекликларидан бўлган маслакдошларини ўз байроғи остига бирлаштирган эдилар. Бир ҳафта давом этган қаттиқ тўқнашувлардан сўнг кўзғолон бостирилди. Бу воқеалар мустамлакачи маъмуриятни Бухоро амирлигини истило қилишнинг бундан буёнги режаларидан воз кечиш ва унинг ҳукумати билан тинчлик битими тузишга мажбур этган асосий сабаблардан бири бўлди. Самарқанднинг эгалланиши – нафақат Ўрта Осиё минтақасида, шу билан бирга бутун ислом оламида катта норозиликларга сабаб бўлди.

Шу вақтдан бошлаб Самарқанд Зарафшон округи таркибига киритилди. Бу округ Бухоро хонлиги ҳудудида Россия империяси босиб олгандан сўнг тузилган маъмурий бирлик эди. 1886 йил Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида низом қабул қилиниши муносабати билан Зарафшон округи 4 уезддан иборат Самарқанд вилояти этиб ўзгартирилади. Самарқанд шаҳри эса Самарқанд вилояти ва Самарқанд уездининг маркази бўлиб қолди. Шаҳар ҳаётининг барча соҳаларида – ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётда ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар, биринчи навбатда, империячилик сиёсати билан боғланган бўлиб, улар шаҳарда ҳам, умуман, минтақада ҳам иқтисодиётнинг хом ашё ишлаб чиқарувчи тармоқларини биринчи галда ривожлантиришга қаратилган эди.

Самарқанд вилоят ва уезднинг маъмурий маркази деб эълон қилинган, бу ерга рус миллатига мансуб кўплаб мансабдор шахслар келиб жойлашди. Уларни қулай жойлаштириш учун 1871 йил шаҳарнинг янги қисмини европача типда қуришга киришилди. Шу мақсадларни кўзлаб махсус ҳудудлар ажратилди. Бунинг учун ерлар маҳаллий аҳолидан мажбурлаб сотиб олиниб, маъмурий бинолар

курулишига топширилди. Маҳаллий аҳоли вакиллари арзимаган ҳақ тўлаб ишлатилди, натижада қисқа муддат ичида янги шаҳарча бунёд этилди. Ҳарбий казармалар билан ўраб олинган бу шаҳарча кўп ўтмай Самарқанд вилоятининг ҳарбий-маъмурий маркази бўлиб қолади.

Самарқандга темир йўл тортиб келингунига қадар хунармандчилик ишлаб чиқаришнинг асосий тури ҳисобланган ва бу соҳа аҳолининг кенг истеъмол молларига бўлган талабини қондирган. Турли манбалардаги маълумотларга кўра, XIX асрнинг 70-йиллари бошида Самарқандда 1610 та устахона, шу жумладан, 827 та тўқувчилик, 15 та ипак йигирув, 42 та бўёқчилик, 162 та этикдўзлик, 63 та эгарчилик, 37 та кулолчилик, 26 та тикувчилик, 42 та дурадгорлик, 77 та чилангарлик, дурадгорлик ва темирчилик, 12 та чўян куйиш, 4 та гишт пишириш, 34 та чирог-мой ва совунгарлик, 30 та кўнчилик ва ҳоказо устахонаси бўлган.

1888 йил Самарқандда 1130 та ўртача хунармандлик устахонаси, 1969та майда хунармандлик ишхонаси фаолият юритган. Шу йили Самарқанд вилоятида бта виночилик, спиртни тозалаш ва пиво заводи бўлиб, уларнинг 3таси шаҳарда эди. Вилоятнинг 28 та гишт, 57 та кулолчилик, 35 та совунгарлик, 27 та шам тайёрлаш, 270 та ёғ-мой корхонасидан ҳар хил тур ва катталиқдаги 10 та гишт пишириш, 10 та кулолчилик, 20 та совунгарлик, 10 та шам тайёрлаш, 46 та ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари Самарқанд шаҳрида жойлашган эди. Бу корхоналарнинг ҳаммаси товар маҳсулотлари ишлаб чиқарар эди.

Рус ва хориж сармоялари Ўрта Осиёга, шу жумладан, Самарқандга кириб кела бошлаган сари хунармандчилик ишлаб чиқаришининг аҳоли кескин ўзгарди. Россиянинг марказий районларидан фабрика- завод буюмларининг Самарқандга оқиб келиши хунармандчилик ишлаб чиқаришини, масалан, маҳаллий усталарни аста-секин сиқиб чиқарди. Маҳаллий касаначи тўқимачилик ҳажми кескин даражада қисқарди. Янги истеъмол буюмларига талаб таъсири остида ва янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши натижасида туб аҳоли юмшоқ бахмалсимон чарм тайёрлаш, соат тузатиш, турли бўёқлар ишлаб чиқариш, мебель ва мебель қоплаш, расм солиш, бочка яшаш, чилангарлик, ойначилик, ёғоч арралаш устахоналарини оча бошлади. Фотосуратчи, сувоқчилик каби касблар пайдо бўлди.

Метрополия завод ва фабрикаларига жўнатиладиган пахта, тери ва бошқа маҳсулотларга дастлабки ишлов берувчи корхоналар кўпайиши ва ривожланиши жараёни Каспийорти темир йўли қурилишига туртки берди. 1888 йилда темир йўл Самарқандгача олиб келингандан сўнг янада кучайди.

1888–1896 йилларда Самарқанд бу йўлнинг охириги манзили ҳисобланиб, бу шаҳарнинг янада ривожланишида катта аҳамият касб этган. 1898 йилдан Самарқанд – Андижон йўли шаҳарни Россия империясининг жанубий ҳудудлари ва Туркистон ўлкасининг йирик шаҳарлари билан бевосита боғлади. Темир йўл олиб келиниши билан Самарқанд ўлкадаги шаҳарлар орасида биринчи бўлиб Умумроссия бозорига чиқадиган бўлди. Ўз навбатида рус саноатчилари ва сармоядорларининг Самарқандга жадал кириб келиши ва хом ашё маҳсулоти улар томонидан Россияга олиб кетилишига имконият ҳам яратилди.

Каспийорти темир йўлининг қурилиши, шаҳар ва вилоят ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиши, асосан, Россия бозорлари эҳтиёжларидан келиб чиқди. Агар 1880 йилгача Самарқанд ҳудудида пахта, тери ва узумга дастлабки ишлов берувчи бор-йўғи 5 та завод фаолият юритган бўлса, 1914 йилда эса 55 та саноат корхонаси ишлади. Шу билан боғлиқ равишда Самарқанд вилоятида аҳоли сони кескин кўпая бошлади. Чунончи, Самарқанд шаҳрининг эски ва янги қисмида яшаган аҳолининг умумий сони 1897 йилги аҳоли рўйхати бўйича 55 мингдан ортиқроқ кишини ташкил этган бўлса, 1913 йилда аҳоли 90 мингга яқинни ташкил этди.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошида Самарқанд маданий ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз берди. Бу европача ва миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири кучайиши билан боғлиқ эди. Шуни таъкидлаш керакки, бу даврда Туркистондаги маданий тараққиётга Самарқанд маърифатпарварлари – туркистонлик жадидлар ҳаракати қатнашчилари алоҳида ҳисса қўшди. Аввалига бу ҳаракат фақат маърифий характерда эди. Кейинчалик жадидчилик Туркистон мустақиллиги учун қурашувчи сиёсий ҳаракатга айланди ва ўлка аҳолиси, шу жумладан, Самарқанд аҳолисининг интеллектуал тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Шуни таъкидлаш жоизки, Самарқандда туғилиб ўсган таниқли руҳоний ва жамоат ар-

боби, драматург ҳамда публицист Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаракатга раҳбарлик қилган эди. Раҳматулла Исмадуллаев, Абдуқодир Шакуррийлар ташкил қилаётган янги намуна мактаблари учун у “Рисолаи асбоби савод”, “Рисолаи жуғрофия Русия”, “Рисолаи жуғрофия умроний”, “Китобат-ул-ат-фол”, “Амалиёти ислом”, “Тарихи ислом” каби дарслик ва қўлланмаларни яратди. 1913 йил бевосита унинг раҳбарлигида Самарқандда 11 кишидан иборат ўзбек театр труппаси ташкил қилинди. Бу труппа илк бор Бехбудийнинг ўзи ёзган “Падаркуш” пьесасини саҳналаштирди.

Кейинчалик М. Бехбудийнинг ижодий, ижтимоий-сиёсий фаолияти янада серкирра бўлди. 1913–1914 йилларда у ўзбек, тожик ва рус тилларидаги “Самарқанд” газетасини ташкил қилди. Ўзбек тилидаги биринчи “Ойна” журнали унинг ижодий фаолиятидаги навбатдаги босқич бўлди. Бу журнал нафақат Туркистонда, балки аста-секин Кавказ, Волгабўйи мусулмонлари орасида, шунингдек, Туркия, Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистонда ҳам тарқала бошлади. Хўжа Муъин, Сиддиқий Ажзий, Абдуқодир Шакуррий, Раҳматулла Исмадуллаев ва бошқалар Самарқандда таниқли жадидлар ҳамда М. Бехбудийнинг сафдошлари бўлган эдилар.

Самарқанд қадимий юксак маънавий ва моддий-маданий марказ сифатида таниқли бастакорлар, рассомлар ва меъморларни ўзига жалб этди. Хусусан, бу XIX асрнинг иккинчи ярми мусиқа санъатида ўз ифодасини топди. 1864 йил, венгер сайёҳ-олими А. Вамбери Самарқандга келгандан сўнг моравиялик композитор Игнат Брилли “Самарқанд дарвишлари” операсини ёзди. У Самарқанд тўғрисида Ғарбий Европа мусиқа ижодида яратилган биринчи опера эди. 1910 йил Франц Лонкорей Амир Темур ҳақидаги “Самарқанд ҳукмдори” номи билан аталган операсини яратди. Инглиз бастакори Гретил Пантук “Самарқанд улугворлик кунларида” хори учун мусиқа басталади.

Бой миллий маданий меросни сақлаб қолишда халқ кўшиқлари, мақомларнинг кўплаб истеъдодли ижрочилари хизмати катта. Мақомларнинг ашула йўллари, Умар Ҳайём, Жомий, Навоий, Бедил, Муқимий, Фурқат каби шоирларнинг лирик шеърлари билан айтиладиган кўшиқлар уларнинг репертуарларидан жой олган эди. Бундай кўшиқларни ижро этишда самарқандлик хонанда Хожа Аб-

дулазиз Расул ўғли (1852–1936) катта муваффақиятга эришди. 1909 йил Риганинг “Граммофон” фирмаси унинг ижросидаги “Ирок”, “Насруллои” ва “Ушшок” мақомларини ёзиб олди.

Шундай қилиб, Самарқанднинг бу давр тарихи шаҳар ҳаётининг ҳамма соҳаларидаги катта ўзгаришлар билан ажралиб турди. Бу ўзгаришлар шаҳарнинг босиб олинishi ва Россия империясининг мустамлака ҳукмронлигига қарам ҳудуд таркибига киритилиши билан боғлангандир. Мустамлака ҳукмронлиги минтақага бошқарув ва хўжалик юритишнинг янги шаклларини жорий этди. Шаҳар ташқи қиёфасига ҳам, унинг ички ҳаётига ҳам, хусусан, аҳолисининг ҳаёти ва турмуш тарзига жиддий таъсир кўрсатди. Шаҳарнинг жаҳон иқтисодиёти, саноат ва маданий тизимига қўшилиши унинг сезиларли даражада ўсиши, унинг меъморий қиёфасида жиддий ўзгаришлар юз бериши, капиталистик муносабатлар кучайиши ва янги ижтимоий қатламлар шаклланиши билан бирга давом этди.

Иккинчи томондан, туб аҳоли ҳуқуқларининг камситилиши, анъанавий маданияти ва таълим устидан назорат ўрнатиш уринишлари, хом ашёга бирламчи ишлов беришга мўлжалланган иқтисоднинг шакллантирилиши шаҳарнинг муваффақиятли ривожланиши ва унинг муҳим иқтисодий ҳамда маданий марказ сифатида тикланишига жиддий тўсиқ бўлди.

Ўзгаришлар даври

XX аср бошида собиқ Россия империясининг бутун ҳудудида кечган кизгин ижтимоий-сиёсий жараёнлар Самарқанд шаҳрининг кейинги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида акс этмай қолмади. Бу, айниқса, 1918 йил бошида Туркистонда шўролар ҳукумати ўрнатилгандан сўнг мураккаб ва зиддиятли ижтимоий жараёнларда ўз ифодасини топди.

Маълумки, Ватанимиз тарихининг мана шу даврида Самарқанд нафақат Туркистоннинг, балки Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланган ҳолда социализм мафкурачиларининг эътиборидан четда қолиши мумкин эмасди. Уларнинг фикрига кўра, шаҳар ўлкада шўролар ҳокимиятини тарқатувчи таянч нуқталаридан бири

вазифасини ўташи керак эди. Бундан ташқари, Самарқанд большевикларнинг Бухоро амирлигини босиб олиши ва амирликнинг тугатилишидаги муҳим истехкомлардан бири ҳам эди.

Мамлакатдаги бошбошдокликдан фойдаланиб, сиёсий кучлар ўртасига нифоқ солган большевиклар бу шаҳарда ҳам ҳокимиятни эгалладилар. Бироқ, 1918 йил ёздан бошлаб шўролар ҳокимиятига қарши қуролли исёнлар Самарқанд вилоятида кенг тус олиб, ўтган асрнинг 20-йиллари охиригача давом этди.

Шўролар ҳукуматининг 30-йиллардаги ислоҳотлари: ер-сув ислоҳотининг амалга оширилиши, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, индустриаллаштириш ва маданий инқилоб сиёсати Самарқандни ҳам четлаб ўтмади. Бу жараёнлар билан бирга давом этган қатлиомлар бевосита самарқандликларга – зиёлилар вакиллари, руҳонийлар, деҳқонлар ва хизматчиларни ўз домига тортди. 1925 йил ноябрь ойида компартиянинг расмий сиёсатига қарши чиққан “ўнсаккизлар гуруҳи” орасида самарқандлик раҳбар ходимлар: Мирзахўжа Ўринхўжаев (Самарқанд вилояти ижрокўми раиси), Насим Ширинов (Самарқанд уезди партия кўмитаси масъул котиби)лар ҳам бор эди. Кейинроқ “ўнсаккизлар гуруҳи” аъзоларининг тақдири фожиали тугади. Хусусан, Мирзахўжа Ўринхўжаев 1937 йил 7 сентябрда қамоққа олиниб, 10 йилга ҳукм қилинди. Самарқанд шаҳар парткоми биринчи котиби Насим Хожиметов 1938 йил 13 октябрда ўлим жазосига ҳукм қилинди.

1935–1939 йилларда қатагон қилинганлар орасида жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндалари, самарқандлик Хўжа Муъин, Вадуд Маҳмуд, Саидризо Ализода кабилар бор эди.

Социалистик хўжалик юритиш усулига ўтишни жадаллаштириш ва қатъий марказлаштириш мақсадида мулк ва хусусий корхоналар ҳамда ташкилотларнинг ишлаб чиқариш воситалари миллийлаштирилди. Масалан, 1919 йилнинг биринчи ярмидаёқ Самарқанддаги саноат корхоналарининг деярли ҳаммаси давлат мулкига айлантирилди. “Бўшаб қолган меҳнат ресурслари” ёрдамида эса шўролар ҳукумати уларни ёппасига мажбурий меҳнатга жалб этиб, хўжаликдаги вайронгарчилик ва очликка қарши курашди.

Ўрта Осиёда миллий-худудий бўлиниш ва Ўзбекистон ССР ташкил қилингандан сўнг Самарқанд 1924 йилда Ўзбекистон пойтахти

бўлиб қолди (1930 йилгача). Бу даврда ва кейинги йилларда шаҳар хўжалиги ва маданий қурилишида ўзгаришлар юз берди. Бироқ 20-йиллар бошидаги катта ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар туфайли шаҳар хўжалиги қаровсиз қолди. Айниқса, шаҳарнинг сув таъминоти, санитария ҳолати муаммолари ечилмади. Уй-жой муаммоси кескин бўлиб турарди. Самарқандда яшовчи ҳар бир кишига 1 сажень квадрат уй-жой майдони тўғри келган (1 сажень – 2,1 м га тенг). Уй-жой муаммосини енгиллаштириш мақсадида ўша пайтда махсус комиссиялар уни ҳал этишнинг “оригинал” йўлини ўйлаб топдилар, яъни уй-жой майдонларини аниқлаб, уй эгаларини улардан кўчириб юбордилар ёки зичроқ яшашга мажбур қилдилар.

Фақат 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Самарқандни республиканинг пойтахти сифатида ободонлаштиришга киришилди. Сув таъминоти яхшиланиб, йўллар тузатилди ва Самарқанднинг янги шаҳар қисми кўчалари электр билан ёритилди. 1925 йил октябрдан шаҳарда автобус қатнови йўлга қўйилди. Аввалига 3та машина, 1927 йилда 15та, 1940 йилда эса 47та машина қатнайдиغان бўлди.

Мамлакат жадал равишда индустриалаштирилган йиллар шаҳар саноати тез суръатлар билан ўсди. 1940 йилда шаҳарда 70га яқин саноат корхонаси ва артеллар ишлади. Лекин КПСС ва Совет раҳбарлари олиб борган сиёсат мамлакат алоҳида иқтисодий минтақаларининг табиий географик шароитларига боғлиқ ҳолда ихтисослашувига қаратилган эди. Шу боис, Ўзбекистонга мамлакатга хом ашё етказиб берувчилик вазифаси юклатилганди. Бу хилдаги ўзига хос ишлаб чиқариш салоҳиятини Самарқанд шаҳри ўз тараққиётининг кейинги йилларида ҳам сақлаб турди.

Самарқандликлар фашизмга қарши курашда ўзларининг муносиб хиссаларини қўшдилар. Москва остоналарида, Курск мудофасида, Варшава, Прага, Белградни озод қилиш учун бўлган жангларда курашган самарқандлик жангчилар оз эмас эди. 1941 йил ноябрда алоҳида миллий ўқчи бригада, 1943 йил июлда эса алоҳида 17-автоматчилар батальони тузилиб, батальонга “Самарқанд” номи берилган эди. Самарқандлик Қ. Суюнов, М. Ҳамроев, К. Михайловларга Қаҳрамон унвони берилди. Кўплар жанг майдонларидан қайтиб келмади. Фронтга кўнгилли бўлиб кетган Самарқанд уни-

верситети ректори Азиз Валиев Сталинград остоналаридаги жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Уруш йилларида фронт чизигидан республикага юздан ортиқ сааноат корхонаси эвакуация қилинган эди. Улар орасида Самарқанд шаҳрига жойлаштирилган “Красный двигатель”, “Серп и молот”, “Кинап” сингари ўндан ортиқ корхоналар бор эди. Самарқанд корхоналарида ўша йиллар 1500дан ортиқ янги цехлар қурилиб, 200дан ортиқ маҳсулот турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ишлаб чиқаришнинг умумий кўрсаткичи икки баробар ортди.

